

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Фарғона политехника институти

Қўлёзма ҳуқукида

Қодиров Алижон Абдижабборович

**"Қува қандолат корхонасининг буюртмасига асосан
махсулотларни тайёрлаш тизимида миқдорлаб қуйиш
қурилмасининг модернизациялаш"**

5А 522814—«Саноат қурилмалари ва технологик комплексларининг
энергия тежамловчи электр жихозлар тизимлари» мутахассислиги
бўйича магистр даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:

физика-математика фанлари номзоди,
доц. Абдурахмонов Султонали
Мукарамович

Кафедра мудири:

доц. Бўтаев Т.

Фарғона—2014

Мундарижа

Кириш.....	3
I боб. Нефтни қайта ишлаш саноатида электр двигателларини қўлланилиши.....	5
1.1.Нефтни қайта ишлаш технологияси	5
1.2.Электр двигателлари ёрдамида нефт ва нефт маҳсулотларини бир резурвардан бошқасига ёки реакторга узатиш технологияси	21
1.3.Электр двигателлар ва уларни химояси.....	25
II боб. АТ-1 нефтни қайта ишлаш қурилмасини бошқариш тизимини модернизациялаш	43
2.1.АТ-1 қурилмаси технологик схемаси.....	43
2.2.АТ-1 қурилмасига электр двигателларини қўлланилиши ва электр таъминоти.....	45
2.3.АТ-1 қурилмасида электр двигателларини юкламасини ўлчаниш тизимини модернизацияланган схемаси.....	47
2.4.Жорий электр юкламасини компьютерда ифодалашни программа таъминоти.....	50
2.5.Нефт саноатида электр двигателларини энергия сарфини ҳисобини юритишни компьютерли варианты	61
III боб. Нефт саноатида электр двигателларни масофадан бошқариш..	67
3.1.Ахборотларни симсиз узатиш ва қабул қилишни радиомодем қурилмалари.....	67
3.2. Радиомодем тузилиши, программа таъминоти.....	78
3.3.Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида қурилмаларда совутиш сувлар тизимида электр двигателларини иш режимини бошқаришни модернизациялаш.....	97
3.4.Масофадан электр двигателларни бошқариш тизимини программа таъминоти.....	102
Хулоса.....	106
Адабиётлар.....	107
Иловалар.....	111

КИРИШ

Янги аср фан ва техникани ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда. Ижтимоий ҳаётни ҳар бир соҳасига янги техника ва технологиялар кириб бормоқда. Ишлаб чиқариш саноатида технологик жараёнлар қурилмалари янгилашиб, технологиялар модернизацияланмоқда.

Дунёни нуфузли иқтисодий аналитик компанияларини берган маълумотларига қараганда Республикамизда иқтисодий ўсиш дунёни иқтисодиёти тез суратлар билан усаётган мамлакатлар қаторида. Бундай натижа мамлакатимизни иқтисодий ривожланиш бўйича танлаган йўли туғри эканлигини кўрсатади

Ишлаб чиқариш саноатини янгилаш ва модернизациялашга ташқи инвестицияни, янги технология ва қурилмаларни олиб келиниши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Республика иқтисодиётини ривожланишида ёшлар ҳам жаҳон ҳамжамиятидан орта қолмаган ҳолда ўз изланишлари, ўқув маҳорати билан ҳисса қўшмоқда. Ҳозирги даврга келиб барча махсус программалар, электроника, микроэлектроника ва қолаверса нанотехнологик қурилмалари юқори даражадаги технологияларга таянган бўлиб, уларни ёшлар мустақил ўрганиб, илм фан миқёсида янгиликлар яратишга ҳаракат қилмоқда.

Биз қуйида келтириб ўтган ва биз томонимиздан ишлаб чиқилган лойиҳа, компьютерли автоматика соҳасига таълуқли бўлиб, корхона иш унимдорлигини оширибгина қолмасдан бевосита, иқтисодий салоҳиятини ортиришга хизмат қилади.

Фарғона нефтни қайта ишлаб чиқариш заводида кўплаб электр юритмалар кўп йиллар давомида турли хил технологик жараёнларда хизмат кўрсатмоқда. Бу двигателлар юқори даражада юклама остида ишлаши, қизиқ кетиш ҳолатларида ва тўхтовсиз узоқ вақт хизмат кўрсатиш жараёни давомида ўз

ишчи ҳолатни йўқотади. Бу борада ҳозирги замон технологиялари орқали электр юритмаларнинг юклама қийматини мумтазам равишда кузатиб, уни ишлаш жараёнини таҳлил қилиб, керакли хулосага келиш яъни фаолияти давомида эскиришидан, портлашидан олдиндан хабордор бўлиш мумкин. Компьютерли тизим электр двигателларни техник ҳолатини назорат қилиб қурилма операторга зарурий информацияларни оний вақтда бериб боришдан ташқари зарурий ҳолатларда аварияни олдини олиш учун керакли командани бериши мумкин.

I – боб. Нефтни қайта ишлаш саноатида электр двигателларини қўлланилиши

1.1. Нефтни қайта ишлаш технологияси

Нефтни қайта ишлашга тайёрлаш учун биринчи навбатда нефть сув билан аралаштирилади, бу ундаги тузларнинг эришишига ёрдам беради. Сўнг нефтни электр тузсизлантирувчи (ЭЛОУ) қурилмага хайдаш амалга оширилади, унинг электрогидраторлари жуда юқори кучланишли ток таъсирида сув ва нефть аралашмасини парчалайди. Сув аппаратнинг қуйи қисмида тўпланади, кейин тортиб олинади. Юқори парчаланиш самарадорлиги булиши учун алоҳида восита (модда) – деэмульгаторлар ишлатилади.

Тузсизлантирилган нефтни ЭЛОУ дан нефтни атмосфера-вакуумли хайдаш қурилмасига хайдаб ўтказилади. Қурилмада 2 та блок қайта ишлашни амалга оширади. Биринчиси атмосферали. Унинг ёрдамида бензин, керосин ва дизель фракциялари ажралиши амалга ошади. Улар 360°C гача бўлган ҳароратда қайнаб чиқиб, уларнинг чиқиши нефтга нисбатан 45-60 % ни ташкил этади. Бундай хайдашдан қолган маҳсулот - мазутдир. Вакуумли хайдашнинг ҳаракат усули қуйидагича: Ректификацион колоннасидаги контакт қурилмалари (тарелка) таъсири остида буғлар юқорига, суюқлик эса қуйига ҳаракатланади. Демак юқорида бензинли буғ фракцияси қолади, дизель ва керосинли фракциялар эса керакли қисмдаги конденсациядан сўнг чиқарилади, мазут суюқ ҳолатини сақлаб қолиб колоннанинг паски қисмидан сўриб олинади. Сўнг хайдашнинг иккинчи бўлимини қўланилади – бу вакуумли булим. Бу саноатнинг бошқа турлари учун мазутдан мойли дистиллятларни ажратиб олиш учун зарур. Хайдашдан сўнг қолдиқ маҳсулот гудрон ҳисобланади. Жараён 360°C дан сўнг парчаланишини бошлайдиган углеводородлар учун зарур, газойлнинг қайнаш сўнг 520 градус ва ундан юқори ҳароратда юзага кела

бошлайди. Колонналардан махсулотларни узатиш инжекторлар оркали амалга оширилади[1,2,46,47].

Бензиннинг иккинчи цикли ердамида ажратиб олинади. Биринчи цикл махсулотни колоннага узатишда булади.

1.1.1. Нефтни қайта ишлаб чиқаришни атмосфера босимили технологияси

Бирламчи қайта ишлаш (тўғридан тўғри хайдаш) дистиллятни ташкил этувчи компонентларнинг термик парчаланишсиз, қайнаш ҳарорати билан фарқланувчи нефть фракцияларини олинувчи жараёнга айтилади. Бу жараёни атмосфера ва юқори босимларда кубли ёки трубади қурилмаларда ёки вакуумда амалга ошириш мумкин.

Дастлабки нефтни хайдаш қурилмалари 1745-йилда Россияда Ухтеда, сўнг Моздов ва Бокуда қурилган эди. Бу даврий таъсирдаги кубли қурилмалар бўлган. Ўтган юз йилликнинг 70-йиллари охирига келиб бундай қурилмалар сони юздан ортиқ эди. Улар 1,5-3 т сиғимли вертикал (тик) кублардан ва илон изсимон совутгич бириктирилган ёғоч чанадан иборат бўлиб, йилига 8 000 дан 10 000 пудгача нефтни қайта ишлаган. Ҳар бир қурилма бир сменада уч нафар ишчи хизмат кўрсатган. 1885-йилда Баку шаҳрида А.Ф.Инчик томонидан жаҳондаги биринчи узлуксиз ишловчи кубли батарея қурилган бўлиб, кейинчалик “нобелевский” деб номланади. У суппалар ҳамда жойлашган ўнта горизантал (ёпик) кублардан иборат бўлган ва нефть кубдан кубга ўз-ўзидан оқиб ўтган. Хайдаш кубди иссиқлик қувурлари ва хом-ашёга сув буғига киритиш учун маточник билан таъминланган (дистилляти 20% гача). Кубларда нефть фракциялари хайдалиши содир бўлиб, уларнинг буғлари кондесатор ва холодильник (сувутгич) ларга келиб кондесатланган (суюқ ҳолга ўтган) ва совутилган. Кондесат (суюқлашма) ўз-ўзидан оқиб саралаш бўлимига ўтган, у ерда бошқа кондесатлар билан аралашиб сульфат кислота ва ишқор ёрдамида ортиқча компонентлардан тозалаш учун юборилувчи махсулот фракцияларини

ҳосил қилган (кераксиз компонентлар: чексиз углеводородлар, нафтен кислоталари ва смолалар). Охирги кубда хом-ашё ҳарорати 320^0 С атрофида ушлаб турилган. Энг енгил фракцияларни тутиш ва кубларнинг атмосфера билан алоқасини ушлаш учун совуқ сув билан тўйинувчи скруббер хизмат қилган. Хайдаб ажратиш аниқлиги паст бўлган.

Нефть саноатини тикланиш даври йилларида кубли қурилмалар қайта таъмирланиб ректификация колонналари билан жихозланган. Шу сабабли хайдаб ажратиш аниқлиги ошиб, товар маҳсулотлар сифати яхшиланган. Аммо кам унумдорлик, аппаратлар сонининг кўплиги юқори таннарх ўлчамини катталиги ва ёнғинга хавфлилик нефтни қайта ишлаш заводларида модернизациялашган кубли батареялар ривожига тўсқинлик қилган.

Мойли кубли батареяларда мазутли хайдаб мой дистиллятларини олишда ҳам худди шундай эди. Мой батареялари конструкциялари (тузилмари) биринчи марта муҳандислар В.Г.Шуховим ва И.И.Елин томонидан ишлаб чиқилган. Мойли дистиллятлар таркибига кирувчи углеводородлар парчаланишига йўл қўймасдан хайдаш ҳароратини пасайтириш мақсадида ушбу батареяларда хайдаш амалга оширилган. Мой батареялари иссиқлик қувурларига эга бўлмаган ва ёқиш учоғи куб остида бўлган.

Мойли дистиллят буғлари ва сув буғи дефигматор ва кондесатор холодильниклар орқали қабул саралаш бўлимининг мой фракциялари сифимиға йўналтирилган. Парчаланишнинг кондерсирланмаган буғлари, сув буғлари ва газ ҳолидаги маҳсулотлари барометрик кондесаторга келган сув ва мой буғлари кондесатланиб, газ ҳолидаги углеводородлар буғ оқимли эжекторлар ёрдамида сўриб олинган. Белгиланган қовушқоқликдаги товар ҳолидаги мой дистиллятларини олиш учун қабул саралаш бўлимида буғ дистиллятлари компоундирланган (аралаштирилган). Мой дистиллятларини парчаланиш маҳсулотлари, смола ва нафтен кислоталаридан тозалаш шунингдек сульфат кислота ва ишқор билан олиб берилган.

Мойли куб батареялари реконструкция қилишда уларни “бош” ва “охирги” трубчаткалар билан таъминланган. “Бош” трубчаткага газойль ва бошқа енгил фракциялар хайдалиб, қолдиқ хайдаш кубларига оқиб ўтган. “охирги” трубчаткалар хом-ашё бўлиб, охирги кубдаги иссиқ гудрон (яримгудрон) хисобланади. Уни трубада печ (ўчоқ) орқали буғлатишга хайдалган. Бу ерда юқори қовушқоқ мой дистиллятлари вакуум ва юқори сув буғи сарфида тўлиқ буғланади.

Қурилмалар жихозланишининг мураккаблиги, юқори ёнғин хавфлилиги ва олинаётган мойларнинг паст сифати мой куб батареялари қурилиши ривожланишга тўсқинлик қилади. Худди керасинли куб батареялари сингари улар ўз ўрнини юқори унумдорли трубада атмосфера ва вакуумли қурилмаларга бўшатиб беради. Нефтни хайдаш учун бундай турдаги қурилмалар биринчи марта 1890-1891-йилларда В.Г.Шуков ва С.Г.Гавриловлар томонидан патентланган. Лекин уларнинг қурилиши 1925- йилдагина Баку ва Грознийда бошланган.

Трубада қурилмаларда хайдаш хом-ашёнинг қизиш хароратини пасайтиришга имкон берган, демак хом-ашёнинг парчаланиши камайтилиши ва дистиллятлар сифатини ошириш имконини бергани сабабли бирламчи буғлатиш принцига асосан амалга оширилган. Бундан ташқари трубада қурилмалар юқори иссиқлик к.п.д., ва кам солиштирама капитал маблағ ва эксплуатацион сарфлар билан фарқланади.

Нефтни қайта ишлаш замонавий босқичларида трубада қурилмалар нефтни қайта ишлаш заводлари барчасининг таркибига кириб ҳам товар ҳолдаги нефт маҳсулотлари билан таъминланувчи, ҳам иккиламчи жараёнлар (каталитик крекинг, риформинг, гидрокрекинг, кокслаш, изомерлаш ва б.) учун хом-ашё таъминотчиси сифатида хизмат қилади.

Нефтни қайта ишлашнинг кенг тарқалган иккиламчи усуллари хайдаш бўлими аниқлигига, нефть фракцияларининг ўрта ва оғир чуқур танловига

талабни кучайтирди. Бу талабларга мувофиқ нефть заводларида ректификацион колонна тузилмалари такомиллаштирилиб, улардаги ликоплар сони, эффективлиги ортирилмоқда, ҳамда иккиламчи хайдаш, чуқур вакуум, сачрашини тўсувчи воситалар, кўпикка қарши қўшилмалар ва бошқалар қўлланмоқда.

Нефтни бирламчи қайта ишлаш қуриламалари қувватини ошириш билан бир қаторда нефтнинг бу жараёнини бошқа технологик жараёнлар билан биринчи навбатда сувсизлантириш, тузсизлантириш, стабиллаш (мувазанатлаш) ва бензинни иккиламчи хайдаш (фракцияларни олиш мақсадида) каталитик крекинглаш, кокслаш ва б. билан комбинирланмоқда (қўшилмоқда). Нефтни бирламчи қайта ишлаш бўйича баъзи қурилмаларнинг унумдорлиги 6-7 млн.т/йилни ташкил этади. Қуввати 10-12 млн.т/йил бўлган бирламчи қайта ишлаш кам қувватли қурилмаларини модернизация қилинмоқда ёки унумдорроқларига, замонавий техника даражаларига жавоб берувчиларига алмаштирилмоқда[2,47].

Трубкали қурилмаларнинг синфланиши.

Дектификацион колонналаридаги трубкали қурилмалар босимга боғлиқ ҳолда атмосфера (АТ), вакуум (ВТ) ва атмосфера-вакуумлиларга (АВТ) тоифаланади. Буғланиш босқичлари сонига кўра трубади қурилмалар бир-, икки-, уч-, ва тўрт қарради буғлатгичларга турланади. Бирламчи буғлатиш қурилмаларида битта ректификацион колоннада атмосфера босимида нефтдан барча дистиллятлар – бензиндаги қовушқоқ цилиндр дистиллятигача олинади. Хайдашнинг қолдиқ махсулоти гудрон ҳисобланади.

Иккиламчи буғлатиш қурилмаларида гудронгача хайдаш икки босқичда олиб борилади: аввал атмосфера босимида нефть мазутгача хайдалади, сўнг у вакуумда қолдиқ гудрон олингунча хайдалади. Бу жараёнлар иккита ректификацион колоннада амалга оширилади: улардан биринчисида атмосфера босими ушлаб турилади, иккинчисида - вакуум. Нефтнинг мазутгача иккиламчи

буғлатилиши шунингдек атмосфера босимида иккита ректификацион колоннада амалга оширилиши мумкин: биринчисида фақат бензин ажратилиб, хайдашнинг қолдиқ махсулоти бензинсизлантирилган нефть бўлади, иккинчисида энг юқори хароратгача қиздирилган бензин суюқлантирилган нефть мазутгача хайдалади. Шу турдаги икки колоннали прималар атмосферали (АТ) гурухга талукли.

Учламчи буғлатиш қурилмаларида нефтни хайдаш учта колоннада амалга оширилади: иккита тамосферали ва битта вакуумли. Учламчи буғлатиш қурилмаларидан бири бир атмосфера ва иккита вакуум колоннали АВТ қурилмаси ҳисобланади.

Иккинчи вакуумли колонна гудрони тўлиқ буғлатиш учун мўлжалланган, унда асосий вакуумли колоннадаги нисбатан чуққурроқ вакуум ушлаб турилади.

Тўртламчи буғлатиш қурилмалари бош қисмида бензинсизлантирувчи атмосфера колоннали ва “дум” қисмда гудрон учун тўлиқ буғлантирувчи вакуум колоннали АВТ қурилмаси кўринишидагилардир[2,3].

1.1.2.Атмосферали, вакуумли ва атмосфера вакуумли трубчатли қурилмалар.

Бирламчи нефть буғлатиш қурилмалари. Бу қурилмаларда тузсизлантирилган ва стабиллаштирилган нефть (1.1-расм.) иссиқлик алмаштиргич 4 ва трубали печ 1 нинг змеевиги орқали ректификацион колонна 2 га хайдалади. Бу минорранинг юқоридаги ортиқча босим 0,2 ат. ни ташкил этиб, бу кондесаторнинг гидравлик қаршилигига мос келади; колоннанинг қуйи қисмига қиздирилган сув буғи узатилади. Колоннадан қайнаш харорати билан фарқланувчи фракциялар: бензин, лигроин, керосинли, газойли, соляр ва бошқалар ажратилади. Лигроин фракциясидаги паст қайновчи компонентлар қайнатгич билан таъминланган буғлатгич колонна 3 хайдалади. Қурилма 1000 т/суткагача енгил нефтни қайта ишлайди. Фракция чиқиши: бензинли 26-30%,


лигронли 7-14%, керасинли 5-8 %, газойлдан ва соляр 19-20%, енгил ва оғир парафинли дистиллятлар 15-18%, қолгани гудронни ташкил этади.

Дектификацион колоннадаги хом-ашё киритилиш қисмининг қуйириғида 6 та тарелка, киритиш юқорисида 32 та тарелка ўрнатилган, бундан ташқари 5 та ички буғлатиш бўлимининг ҳар бирида (стриппинлар) 3 тадан тарелка бириктирилган яъни жами 53 тарелка. Ёқилғи сарфи 2,5%ни сув буғининг узатилиши нефтга 6% ни ташкил этади.

Бирламчи трубали қурилмаларнинг ижобий алоҳида хусусиятлари аппаратлар сонининг камлиги камуникация тузилмаларининг қисқалиги; қулайлиги, қурилма эгаллайдиган юзанинг кичиклиги; печдаги хом-ашё қуйиш хароратининг нисбатан паслиги; вакуумли қурилмаларнинг мавжуд эмаслиги; сув буғи ва ёқилғи сарфининг камлиги ҳисобланади.

Бундай қурилмаларнинг камчилигига иссиқлик алмаштиргич ва печ (ўчоқ) трубаларидаги хом-ашё оқимиға юқори гидравлик қаршилиги бўлиб, хом-ашё насосини ишға туширишдаги юқори энергия сарфланади ва оқибатда иссиқлик алмаштиргичлар герметиклиги бузилганда дистилляторға нефтнинг тушиши эҳтимоли юзаға қлади.

Бирламчи буғланиш қурилмасининг иш нефтни мазут ёки яримгудронгача хайдашда соддалашади (1.1-расм.). Бу қурилманинг алоҳида хусусияти оралик циркуляцион суғоришнинг ва ёндош погонларнинг ҳар бири учун чиқарилган буғлатгич бўлимларнинг қўлланишидир. Трубали бирламчи буғланиш қурилмаларида фақат яхшилаб стабиллаштирилган ва тузсизлантирилган нефтларни мувафақиятли қайта ишлаш мумкин. Акс ҳолда иссиқлик алмаштиргич ва печлар қувурлари туз билан тўлади, бу хом-ашё насосида босим ортиришға олиб келиб печ трубаларининг қуйишиға сабаб бўлади.



1.1-расм. Нефтни гудронгача хайдаш учун трубади қурилмаси схемаси


1- трубади печ (ўчок); 2- ректификацияли колонна; 3- буғлатгич колонна; 4- иссиқлик алмаштиргичлар; 5- совутгичлар; 6- конденсатор-совутгич;

Чизиклар: I-нефть; II-юқориғи махсулот; III-ён махсулотлар; IV- гудрон; V- сув буғи; VI- сув.

Нефтни мазутгача иккиламчи буғлатиш қурилмалари.

Бу қурилмалар учун трубади печга келишда олдин нефтнинг олдиндан қисман буғлатилиши характерли. Буғлатиш буғлатгичда (бўш қобиқли колоннада) ёки тарелкали ректификацион колоннада бўлиши мумкин. Буғлатгич хом-ашё сифатида енгил сувлантирилган стабиллаштирилган (дегазланган) ва водород сульфид тутмаган нефть хизмат қилган ҳолатларда қўлланилади.

Эриган газ (водородсульфид ҳам) сув ва туз тутган нефтлар бензинсизлантирувчи ректификацион колоннага йўналтирилади.




1.2.расм. Ярим гудранганча нефтни хайдаш учун трубали қурилма тасвири.

1- трубули печ (ўчоқ); 2- ректификацион колонна; 3- конденсатор совутгич; 4- сув ажратгич; 5- буғлатувчи колонналар; 6- иссиқлик алмаштиргичлар; 7- совутгичлар.

Чизиклар: I-нефть; II-қуруқ газ; III-юқорига махсулот; IV-ёndoш фракциялар; V- яримгудрон; VI-сув буғи.

Нефтни олдиндан қиздириш учун серкyляцион суғориш (тўйинтириш) иссиқлигидан максимал фойдаланиш ва асосий колоннадаги суғоришни минимумгача қисқартириш кўзда тутилган.

Бир вақтда иссиқлик алмаштиргич ва совутгичлар юзаси катталаштирган, поршенли насослар марказдан қочирмаларга алмаширилди, янги насослар ўрнатилди, печдаги буғ қиздирилди. Қувурлар ҳам қиздиришга мослаштирилди. Конденсацион қурилмаларнинг емирилишга қарши курашиш учун колонна шлемли қувурларига газ ҳолидаги амиак берилган.



1.3-расм. Бўғлатгичли иккиламчи биглатиш қурилмаси тасвири.


1-печлар (ўчоқлар); 2-бўғлатгич; 3-ректификацион колонна; 4-бензин конденсатори; 5-сув ажратгич; 6- газсепаратори (суғориш сиғими); 7- бензинни ишкорлаш учун колонна; 8-бўғлатгич колонналар; 9-совутгичлар; 10-оралиқ сиғим; 11-иссиқлик алмаштиргич; 12-сув лойка ажратгич.

Чизиқлар: I-газ; II-фракция п.к. – 140°C ; III-сув буғи; IV-фракция $140\text{-}240^{\circ}\text{C}$; V-нефть; VI- фракция $240\text{-}300^{\circ}\text{C}$; VII- фракция $300\text{-}350^{\circ}\text{C}$; VIII-мазут; IX-суғориш

1.3-расмдаги схема реконструкциядаги кейинги қурилма схемаси. Тузсизлаштирилган нефть V икки оқимда иссиқлик алмаштиргич 11 ва сув лайка ажраткич 12 орқали хайдалиб 200°C яқин харорат билан бўғлатгич 2 га келади, бу ерда буғ ва суюқ фаза ажралади. Буғ фаза асосий колонна 3 га йўналтирилади; суюқ фаза ҳам печ 1 да $330\text{-}340^{\circ}\text{C}$ гача қиздирилгач шу ерга келади. Колонна 3 концентрацион қисмида 31 тарелкага (ликоп) эга иссиқлиқ оралиқ циркуляцион суғориш билан қуйидаги хисоблагичда 10, 17 ва 25 тарелкалардан олиб кетилади.

Ёндош погонлар сифатида 140-240, 240-300 ва 300-350° С даги фракциялар танлади. Колонналарнинг бош махсулоти бензин II (н.к.-140° С) хисобланади. Унинг буғлари конденсатор 4 дан ўтиб, конденсат сув ажратгич 5 ва газосепаратор 6 га келади. Конденсаторнинг бир қисми суғориш IX сифатида ишлатилади, баланс миқдори эса колонна 7 га ишқорий юришга йўналади, сўнг махсулот омборига. Конденсирланмаган углеводородлар I газ фракцион қурилмага келади. Колоннанинг қолдиқ махсулоти мазут.

Буғлатгич ўрнига алоҳида ректификацион колоннаси ўрнатилган иккиламчи буғлатиш қурилмалари кенг тарқалган. Бундай қурилмаларда. (1.4-расм.) нефт I бир неча параллел оқим билан иссиқлик алмаштиргичлар 7 гуруҳи орқали олдиндан буғлатиш колоннасининг ўрта қисмига хайдалади. Бензин ва сув буғлари нефтда эриган углеводород газлари ва водород сульфид билан конденсатор–совутгич 6 орқали газосепаратор 5 га ўтади.



1.4-расм. Бензин ажратгич колоннали иккиламчи буғлатиш қурилмаси тасвири

1-трубали печ; 2-бензин ажратгич колонна; 3-асосий атмосфера колоннаси; 4-стабиллаштирувчи колонна; 5-газосепаратор (суғориш сиғими); 6-конденсатор совутгич; 7-иссиқлик алмаштиргич; 8-буғлатгич колонна; 9-буғли қиздиргич.

Чизиқлар: I-хом нефть; II-бензинсизлангилан нефть; III-қуруқ газ ; IV-сиқилган газ; V-оғир нефть; VI-стабил бензин; VII-ёндош махсулотлар; VIII-мазут; IX-сув; X-сув буғи; XI-суғориш .

Газосепаратордаги газ III газни фракциялаш қурилмасига, бензин эса қисман суғорувчи сифатида колоннага қолган қисми стабиллаш колоннаси 4 га узатилади. Босим остида ишловчи у колоннанинг бош махсулоти сиқилган газ IV хисобланиб, газ фракциялаш қурилмасига ҳам йўналтирилади.

Бензиндан ажратилган нефть II колонна 2 дан печ 1 нинг змевиги бўйлаб пастдан санаганда 7-тарелка остидаги асосий колонна 3 га хайдалади. Колоннадаги умумий тарелкалар 40 та. Унинг бош махсулоти оғир бензин бўлиб, унинг буғлари кандесатор–совутгич 6 дан ўтиб газ сепаратор 5 га келади, у ердан қисман 3 га суғоришга, қолган қисми ишқорсизлантиргандан ва сув билан совитилгандан сўнг колонна 4 дан стабил бензин VI билан компаундирлашга ўтади. Қурилмада шунингдек авиация керасини фракцияси VII, дизель ёқилғиси фракцияси ва колонна 3 печ пастда мазут ажратилади.

Мазутни хайдаш учун вакуумли қурилмалар.

Вакуумда мазутли хайдашда ундан қайнаш харорати, қовушқоқлиги ва бошқа хусусиятлари билан фарқланувчи мойли дистиллятлар қолдиқ сифатида яримгудрон ва гудрон олинади. Вакуумли қурилмалар (ВТ) ёқилғиси ва мойлиларга бўлинади. Ёқилғили қурилмаларда мазутдан 550° С гача бўлган кенг фракция – вакуумли газойл ажратиб олиниб, у каталитик ёки гидрокрекинг учун ашё сифатида ишлатилади. Бўлимнинг аниқлигига талаблар мойли, дистиллятларникига қараганда кам талаброқ асосан таркибига истеъмол органик бирикмалар ортиб кетмаслиги учун вакуумли газойльга майда гудрон томчиларининг тўлиб қолишининг олдини олиш зарур, улар катализаторни захарлаб крекингда кокс ҳосил бўлиши ортиб кетади. Бунинг учун силикон типдаги присаткалар қўлланилиб хом-ашё киритиладиган жойларда прессланган ёки гофрицланган металл сетка (тўр) лардан тўсиш қурилмалари ўрнатилади. Ёқилғили қурилмалар вакуумли колонналарида тарелкалар сони катта эмас. Концентрацион қисмда 8 тагача хайдаш қисмида 4 та тарелкаларнинг гидроэлект қаршилиги кичик бўлиши мумкин. Колоннадаги


вакуум 700-740 мм.сим.уст. ташкил этади; бунга мувофиқ колоннадаги паст қолдиқ босим ва сув буғларининг мавжудлиги дистилятнинг чуқурроқ ажратилишга ёрдам беради.

Мойли дистилятларни олишда хайдаб ажратиш аниқлигига қаттиқроқ талаблар қўйилади. Колонналарда тарелкаларнинг катта миқдори (хар бир дистилят учун 8 тагача) ўрнатилади. Ва буғлатгич бўлимлар қўлланилади. Ажратилаётган мой фракцияларининг қайнаб қиқиш чегараси нефтнинг табиатига, вакуумли колонна ишлаш режимига, унинг хайдаб ажратиш усулига, дистилятларнинг талаб этилган қовушқоқлигига, тарелкалар тузилмасига боғлиқ.

Мойли дистиляторлар қайнаб чиқиши чегараси паст бўлгани сари зарурий тозалаш режими шунча осон таъминланиб олинаётган мойлар сифати юқори бўлади. Мой фракцияларини аниқроқ ажратиш учун мазут икки колоннали қурилмаларда хайдалади. Вариантларнинг бири бўйича биринчи вакуумли колоннада кенг мой фракцисини ажратилади иккинчисини эса тарелкаларнинг катта сони бўлган вакуумли колоннада бу фракция янада кичик фракцияларга ажратилади.

Икки колоннали хайдашнинг бошқа варианты бўйича мазут иккита кетма-кет бириккан вакуумли колонналарда хайдалади. Биринчи колоннага нисбатан енгил дистилятлар ва яримгудрон ажратилиб, у иккинчи колоннага ўтади ва у ерда қовушқоқ дистилятлар ва гудрон олинади.

Биринчи усулга мисол қилиб 187-расмдаги вакуумли қурилма схемаси (тасвири)ни олиш мумкин. Бу қурилмада биринчи вакуумли колоннада 2 бош махсулот сифатида дистилят иккига II ажралади ($<350^{\circ}\text{C}$), ёнлама пагон бўлиб кенг мойли фракция III ҳисобланади ($350-375^{\circ}\text{C}$) ва қолдиқ –гудрон VII. Иккинчи вакуумли колонна 3 да кенг фракция III дан дистилятлар олинади. IV ($350-460^{\circ}\text{C}$), V ($460-490^{\circ}\text{C}$) ва VI (490°C дан юқори). Дистилят V даги енгил фракциялар миқдори буғлатгич колонна 8 билан бошқарилади.



1.5-расм. Мазутни хайдаш учун икки минирали вакуумли қурилма тасвири

1-трубали печлар; 2-биринчи вакуумли колонна; 3-иккинчи вакуумли колонна; 4-иссиқлик алмаштиргичлар; 5-совутгичлар; 6-барометрик конденсаторлар; 7-эжекторлар; 8-буғлатгич колонна.

Чизиқлар: I-мазут; II-дистиллят $<350^{\circ}\text{C}$; III-кенг мойли фракция; IV-диссдиллят $350-460^{\circ}\text{C}$; V-дистиллят $460-490^{\circ}\text{C}$; VI-дистиллят $>490^{\circ}\text{C}$; VII-гудрон; VIII-сув буғи; IX-сув; X-кондерсирланмаган буғ ва газлар.

Қуйида дистиллят ва гудрон таснифи келтирилган

Қайнаб чегараси $^{\circ}\text{C}$	чиқиш	350 гача	350-460	460-490	490-575	575 дан юқори
ρ_4^{20}		0,829	0,851	0,883	0,885	0,980
Қовушқоқлик, табиий						
50°C		4,29	12,5	38,5	32,4*	
100°C		1,89	4,0	8,3	13,6	21,5
Ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$						
совиш		16	39	46	61	-
чакнаш		-	165	200	-	-
Парафин микдори		-	38	32	-	-
Молекуляр массаси		235	310	-	564	-
Коксланиш %		-	-	-	-	8-10
Чиқиш, оғир мазут		2,1	42,6	10,6	23,4	20,3

* 70°C да

Бу қурилмадаги чиқиб кетаётган оқимлар иссиқлигини бир қисми 7 атм. босими сув буғи қисмига ишлатилади, бу иқтисодий самарадорликни оширади.

Қурилмаларнинг техник иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагилар (1 т хом-ашё учун).

Сарф	
Ўқилғи, кг	26,5
Сув, м ³	
айланма	14,2
кимёвий тозаланган	0,135
Электр энергияси, кВт·с	3,72
Капитал сарфлар, сум	1,51

Колонна 2 ва 3 ларнинг таснифи (1.5-расм.) қуйидагича:

	Колонна2	Колонна 3
Диаметри, м		
юқори қисми	5,0	-
ўрта қисми	8,6	6,4
қуйи қисми	5,0	-
Тарелкалар сони	20	26
Қолдиқ босим (колонна юқорисида) мм.см.уст.	40	40
Ҳарорат °С		
колонна юқориси	70-90	90
колонна пасти	390	340

Иккала колонна ҳам вакуум ҳосил қилиш учун мустақил буғ электрлари билан жихозланган. Алангали қиздиргичлар иссиқликка чидамли. Алангасиз горилкалар билан жихозланган. Насослар рекификациянинг постамен блоки остида очиқ майдонда жойлашган. Майдон ўлчамлар 62×80 м.

Мазутни икки колоннали хайдаш усулининг яна бири буғланиб кетувчи агент қўлланадиган жараён ҳисобланади. Бу жараёнда биринчи вакуумли колонна қолдиғи (ярим гудрон ёки гудрон) енгил буғланувчи фракцияси билан ажратилади.(м: керасин ёки газойль билан) ва трубади печда қиздирилгандан сўнг иккинчи вакуумли колоннага йўналтирилади. Бу юқори қовушқоқ мойли дистиллятлар, буғланувчи агент (қайта жараёнга қайтарилади) қолдиқ – битум ажратилади. Хайдашнинг бундай усули тўртламчи буғлатиш АВТда амалга оширилади.

Бу жараён лаборатория шароитида ўрганилган. Буғланиб кетувчи агент бўлиб бензин ва харорат ва бензиннинг хом-ашёга каралигига олиб борилган куйида 3 та тажриба натижалари келтирилади:

	Температура °C		
	340	360	390
Чиқиш, % мойлар битум	47,0 53,0	58,0 42,0	74,5 25,5
Мойли дистиллят сифати ρ_4^{20} 100°C даги қовушқоқлик ВУ	0,9417 2,2	0,9455 2,8	0,9487 3,0
Битум сифати юмшаш харорати (КиШ бўй) °C игнанинг кирриш чуқурлиги чўзилувчанлиги, см	28 Оқади суюқ	37 275 65	50 55 100

Бензиннинг хом-ашёга карралиги 0,25:1 ва ОИ харорати 390 °C бўлганда потенциалдан 90% гача юқори қовушқоқ цилиндр мойи ва битум олинган. Дастлаб гудрон куйидаги хусусиятда эга бўлган:

ρ_4^{20}	0,9728
Тартиб, % мойлар смолалар асфальтенлар	82,7 16,9 0,4
Коксланиш, %	7,0
100°C даги қовушқоқлик, ВУ	7,68
550°C гача қайнаб чиқиши	50

Эритувчининг хом-ашё карралигига қанча юқори бўлса, ОИ даги харорат юқори ва буғлатгичдаги босим қанча паст бўлса мойли дистиллят чиқиш шунча кўп бўлди. Бу усулнинг камчилиги буғлатишга кўп иссиқлик ва буғланиб кетувчи агентга кўп сув сарфланишида, ҳамда нисбатан кондесатор ва совитгичларда металнинг кўп сарфланиши хисобланади[3,4].

1.2. Электр двигателлари ёрдамида нефт ва нефт маҳсулотларини бир резервардан бошқасига ёки реакторга узатиш технологияси

ЦН- нефт маҳсулоти марказдан қочма насоси



ЦН- икки томон киришли, горизантал, бир поғонали чеккалари зичланган бўлиб – нефт маҳсулотлари ва таркибида нефт маҳсулотлари бўлган сувни узатиш учун мўлжалланган. Насос портлашга хавфли. ГОСТ

Р31530,19-99 учун ПА, ПВ категорияли, Т1, Т2, Т3 гурухларига кирувчи суюқликларни узатиш учун ишлатишга рухсат этилади.

Узатилаётган суюқлик: тоза холдаги реактив двигателлар учун ёқилғи, ёки масса бўйича 0.3% гача қарши кристаллизацион суюқ, қовушқоқлиги $6 \times 10^{-5} \text{ м}^2/\text{с}$ (60с Ст) , зичлиги $755\text{-}860 \text{ кг/м}^3$ гача, харорати

-40 дан +50°С гача автомобил бензинлари ва дизел ёқилғилари. Шунингдек қовушқоқлиги ва киёвий активлиги сувга ухшаш бошқа суюқликлар учун

Шартли белгилари

Электронасос агрегатининг шартли белгинишлари

Мисол учун: ЦН 160/112а-1-Е-Т У2 ТУ 26-06-1640-91

ЦН-насос тури;

160-узатиш ҳажми $\text{м}^3/\text{с}$

112 – хосил қилган босим, м;

У – иқлимий тайёр;

2 – жойлаштириш котегорияси;

1 – жадвал мос равишда конструкторлик тайёрланиши;

Е –насос тайёрланган мтериял бўйича;

Т –якка, ёрдамчи зичланишли;

ТД – иккиланган чеккали, зичланишли;

График характеристикаларида белгиланишлари:

Q — узатиш, м³/час;

H — босим, м;

N — истемол қуввати, кВт;


n — айланиш частотаси, об/мин;

η — ФИК, %;

ЦН турдаги насослар техник характеристикалари.

Агрегат маркаси	узатиш, м ³ /час	Босим, м	Айланиш частотаси (айл/мин)	Истемол қуввати, кВт	Рухсат этилган кавитацион захира, м
ЦН 90/100-Е	90	100.00	2900	50.00	4.80
ЦН 90/100а	80	80.00	2900	40.00	4.80
ЦН 90/100а-Е	80	80.00	2900	45.00	4.80
ЦН 160/112	160	112.00	2900	77.00	4.80
ЦН 160/112Е	160	112.00	2900	85.00	4.80
ЦН 160/112а	150	100.00	2900	62.00	4.80
ЦН 160/112а-Е	150	100.00	2900	67.00	4.80
ЦН 160/112б	135	80.00	2900	50.00	4.80
ЦН 160/112б-Е	135	80.00	2900	54.00	4.80
ЦН 160/112в-Е-Т	135	78.00	2600	46.00	4.40

Нефт махсулоалри учун ВК -(2Г,1Г), ВКС-(2Г,1Г) турдаги уюрмавий насос агрегатлари



Бу турдаги насосларни кам узатишли, лекин нисбатан юқори босим зарур жойларда қўлланилади.

ВК, ВКС - уюрмавий, бир поғонали горизантал, консол насослари.

Насос корпуси ва қопқоғида жойлашган ишчи камера. Насоснинг кириш ва чиқиш патрубкарини бирлаштириш халқали канал мавжқд. Халқали канал

бўйлаб суюқликни заракатланиши ва керакли энергияни олиши радиал лапаткали, диск шаклидаги ишчи ғилдирак ёрдамида амалга оширилади.

Насослар бир ва икки ёқлама зичланиши мумкин. Электр двигателлардан насосни юргизиш муфта орқали амалга оширилади.

Узатилаётган суюқликлар:

ВК-(2Г,1Г), ВКС-(2Г,1Г) уюрмавий насослар вап улар асосидаги агрегатлар нейтрал, кам агрессив, зарарли, портлашга хавфли, кинематик вовушқоқлиги $36 \cdot 10^{-6}$ м²/с гача, қаттиқ аралашмалар миқдори 0,01% дан ошмаган, ўлчами ва массаси 0,05 мм дан ортмайдиган суюқликларни узатиш учун мўлжалланган.

Неф махсулотлари учун насоснинг узатма қисим бронзадаен тайёрланган бўлиши керак.

Шартли белгилари.

ВК – насос тури (уюрма, консол);

С – ўзи сурувчи;

2 – узаиш, л/с;

26 – босим, м;


Б – оқим қисми материали: А (чуян), Б (бронза), К (нерж);

2Г – вални зичланиши (икки томондан);

1Г – вални зичланиши (бир томондан);

УЗ.1; Т2 – иқлимий таёйёрланиши, ўрнатиш категорияси

К- консолли турдаги нефт махсулотлари учун насослар



Марказдан қочма, консоли К80-50-200-Е ва улар асосидаги агрегатлар нефт махсулотларини узатиш учун мўлжалланган. Портлашга хавфли ишлаб чиқаришда ПА,

ПВ категорияларига ва Т1, Т2, Т3 гуруҳларига тўғри келади, В-Ia, В-Iб, В-Iг, В-ПА, II-1 ва II-2 портлашга хавфли жойларда қўллаш мумкин .

Узатиляётган суюқлик:

Қовушқоқлиги 10-4 м²/с гача, харорати 243 К дан 358К (от минус 30°С до +85°С), ўлчамлари 0,2мм катта бўлган қаттиқ жисмлар аралашмаси 0,2 % дан ортиқ бўлмаган нефтмахсулотлари.

Шартли белгилари:

К80-50-200-Е

К-консол;

80 – кириш патрубок диаметри, мм;

50 – чиқиш патрубок диаметри, мм;

200 – ишчи айлама диаметри , мм;

УЗ.1 – иқлимий тайёрланиши ва жойлаштириш категорияси

Е – хавфсизлик талабларига жавоб беради.

График характеристикаларида белгиланишлари:

Q — узатиш, м³/час;

Н — босим , м;

N — истемол қуввати , кВт;

n — айланиш частотаси, об/мин;

η — ФИК, %;

1.3.Электр двигателлар ва уларни химояси

1.3.1.Электр двигателлар турлари ва уларни ишлаш принциплари


Электр юритма технологик механизмларни ишчи органини ҳаракатга келтириш учун хизмат килади. Электр юритма деб электр мотор, узатувчи механизм ва ишчи органдан иборат умумлашган қурилмага айтилади. Автоматлашган электр юритма таркибига яна электр энергия узгарткичи, датчиклар ва электр юритмани бошқариш тизими киради. Бундан ташқари электр юритма таркибига аниқлик ва тезликни оширадиган қушимча элементлар киритилиши мумкин. Масалан ЭХМ, рақамли датчиклар, мувофиқлаштирувчи элементлар қулланилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш саноатини асосий электр қурилмаларидан бири электр двигателларидир. Улар турлича бўлиб схемадаги сингари класификацияланади.

-қўланиладиган электр токи турига қараб (ўзгармас, ўзгарувчан, импульсли)

-қўзғатиш турига қараб (электромагнитли, доимий магнитли)


-ротор қўринишига қараб (цилиндрик, дискли)



1.6-расм Электр двигателлар турлари.

Ўзгармас ток двигателлари


Ўзгармас ток двигателлари бошқарилувчи айланиш частотаси талаб қилинадиган юқори даража электр юритмаларида қўлланилади. Двигателни шунингдек генераторни хоссалари уни қўзғатиш схемаси турига қараб бўлади. У электромагнитли ёки доимий магнитли бўлади. Ўзгармас ток двигателини генератор сифатида ҳам қўлланиши мумкин.




1.7-расм. Ўзгармас ток двигателлари.

Ўзгармас ток двигателларини асосий камчиликларидан бири уларда контакт шеткаларини қўлланилганлиги бўлиб, улар қўлланиш жараёнида тез ишдан чиқади ва радио помехлар ҳосил қилади. Шунинг учун уларни қўлланиши чегараланган.

Асинхрон юритгич статор деб номланувчи қўзғалмас қисмга, ротор деб номланувчи айланувчи қисмга эга. Статорда айланувчи магнит майдони ҳосил қилувчи ўрам жойлашган. Қисқа туташувли ўрамли ротор фазаларида алюмин ёки мис стерженлар жойлашган. Стержен торслари бўйлаб алюмин ёки мис халқалар ўралган[4,5]



Статорнинг халқали айлануши магнит майдони



1.8 –расм. Электр юритманинг статор ва ротор кисмининг кўриниши

Хосил бўлиши мумкин бўлган уюрмали тоқларни камайитириш мақсадида статор ва роторни электротехник пўлат листлардан таёрланади. Статорда хосил бўлган магнит майдони ротордаги ўрамларда индукцион ток хосил қилади. Бу ток магнит майдони статор магнит майдони билан таъсирлашиб роторни ҳаракатга келтиради. Статор магнит майдони айланиш частотаси роторни айланиш частотасидан катта бўлади. Яъни ротор айланиши асинхрон (синхрон эмас).

Асинхрон двигателлар қуйдаги устунликларга эга

- Тизимида шетка – коллектор қисми йўқ

- Содда конструкцияга эга

Роторни айланиш тезлигини фақат статор магнит майдонини айланиш тезлигини ўзгартириш билангина амалга ошириш мумкин.


Қадамли двигателлар.

Қадамли двигателлар асосан станокларда қўлланилади, кенг қўламдаги кадам босиш диапасонига эга. Энг сода моторларда бир кадамда ротор 90 градус айланади. Келтирилган двигателларда бурилиш 1,8, .72 градус бўлиши мумкин. Бундай айланишларни ҳосил қилиш учун ўрамларга кучланиши кассир қисмлари берилади, ёки ШИМ модулидан фойдаланилади

Синхрон двигателлар.

Асинхрон двигателлардан фарқли ўларок, синхрон двигателларни айланиш частотаси турли юкламаларда ҳам бир хил бўлади. Синхрон двигателлар ўзгармас тезликда айланувчи машиналарда (насос, компрессор, вентилятор ва станоклар) кенг қўлланилади.

Синхрон двигателни айланиш схемасини қуйдаги расм орқали тушиниш мумкин.



1.9-расм.

Статорни магнит майдони айланишини магнит -1, магнитланган роторни магнит -2 каби ифодалаймиз. Иккала магнитларни айланиши бир хил булади[15,16]

1.3.2.Электр двигателларни нефт саноатида қўлланиши ва муаммолари.

Ишлаб чиқариш санотда кўплаб электр юритмалар кўп йиллар давомида турли хил жараёнларда хизмат кўрсатмоқда. Бу двигателлар юқори даражада юклама остида ишлаши, қизиқ кетиш ҳолатларида ва тўхтовсиз узоқ вақт хизмат кўрсатиш жараёни давомида ўз ишчи ҳолатни йўқотади. Бу борада ҳозирги замон технологиялари орқали электр юритмаларни мумтазам равишда кузатиб, уни ишлаш жараёнини таҳлил қилиб, керакли ҳулосага келиш яъни фаолияти давомида эскиришидан, портлашидан олдин ҳабардор бўлиш мумкин. Бунинг учун автоматик равишда оператор электр двигателни ишчи ҳолатини компьютер орқали узоқ масофада кузатиб ва шу ерни ўзида тезкор равишда двигателни тўхтатишга буйруқ беради ва техник ходимлар электр юритмани манбадан узиб, техник хизмат кўрсадилар[23,52].

1.3.3.Электр юритгичлар химояси

Электр юритгичларнинг бузилишлари.

Электр юритгич ўрамларида статор бир фазасининг ерга қисқа туташуви, ўрамлар орасида кўп фазали КЗ (қисқа туташув)лари юзага келиши мумкин.

Ерга ва кўп фазали КЗ (қисқа туташув)лари шунингдек электр юритгич чиқармалари, кабеллар, муфта ва воронка (ўра, гирдоб)ларда ҳам юзага келиши мумкин. Электр юритгичлардаги қисқа туташувлар изоляция (химоя қоплам) ва мис ўрам, ротор ва статор пўлатини емирувчи катта ток ўтиши билан бирга кечади. Кўп фазали КЗлардан электр юритгичларни химоя қилиш учун ток узгич ёки бўйлама дифференциал химоя (ўчиришга ҳаракат қилувчи) хизмат қилади.

Электр юритгичлар статор ўрамидаги ерга бир фазали туташувлар 3-10 кВ кучланишида КЗга нисбатан хавфсизроқ, улар тармоқ сиғим тоқлари аниқловчи

5-20А ток билан биргаликда ўтади. 2000 кВт дан кам қувватли электрйоритгичлар нисбатан кам нархини эътиборга олиб ерга туташувдан химоялаш токнинг ерга туташуви 10А бўлганда ўрнатилади, 2000 кВт юқори қувватли электрйоритгичларда токнинг ерга туташуви 5А юқори бўлганда химоя ўчиришга хизмат қилади.


Электрйоритгичларда ўрамлар туташувидан химоя ўрнатишмайди. Бундай кўринишдаги бузилишларни бартараф этишда электрйоритгичларнинг бошқа химоялашлари билан амалга оширилади, чунки ўрамли туташувлар кўп ҳолларда ерга туташув билан кечади ёки кўп фазали КЗга ўтади.

600 В кучланишгача бўлган электрйоритгичлар КЗнинг барча турларидан (шунингдек бир фазалидан) эрувчи химоялагичлар ёки автоматик ўчиргичларни тез ҳаракатли узувчи мосламалар ёрдамида химояланади.

Нонормал (нормал бўлмаган) иш режимлари.

Электрйоритгичлар учун нормал бўлмаган иш режимларини асосий тури уларни номиналдан юқори ток билан ортиқча юкланишдир. Электрйоритгичларнинг ортиқча юкланиш йўл қўйилган вақти қуйидаги ифодадан аниқланади.

$$t = \frac{A}{k^2 - 1}$$



1.10-расм. Электрйоритгич токининг роторнинг айланиш частотасига боғлиқлиги.

бу ерда

k - электрйоритгич токининг номиналга нисбатан қарралилиги;

A - электрйоритгич тури ва бажарилишига боғлиқ бўлган коэффицент: $A=250$ -катта ўлчам ва оғирликка эга ёпиқ электрйоритгичлар учун, $A=150$ -очиқ электрйоритгичлар учун.

Электрйоритгичларнинг ортиқча юкланиши механизмларнинг ўта юкланишидан (масалан тегирмон ёки янчпечнинг кўмирга тўлиб кетиши, вентиляторларнинг чанг билан тўлиши, в.б) ва носозликдан юзага келиши мумкин. (масалан: подшипникларнинг бузилиши).

Номиналга нисбатан юқори боклар электрйоритгичларни ишга тушириш ва ўз-ўзидан ишга тушишида ўтади. Бу электрйоритгични унинг айланиш частотасига қаршилиги камайиши оқибатида содир бўлади. Электрйоритгич токининг I айланиш частотаси n га унинг чиқармаларидаги доимий кучланишга боғлиқлиги 1.10-расмда келтирилган. Электрйоритгич ротори ўчирилганда ток юқори қийматга эга; ишга тушурувчи деб номланувчи бу ток электрйоритгич номинал ток қийматидан бир неча марта юқори. Ортиқча юкланишдан химоя сигналга, механизмни юксизланишига ёки электрйоритгични ўчиришга таъсир этиш мумкин. КЗ (қисқа туташув) ўчгандан сўнг электрйоритгич чиқармаларидаги кучланиш тикланади ва унинг айланиш частотаси ортади. Бунда электрйоритгич ўрамларидан катта ток ўтиб, уларнинг кўрсаткичлари электрйоритгич айланиш частотаси ва чиқармаларидаги кучланиш билан аниқланади. Айланиш частотасининг 10-25% га камайиши электрйоритгич қаршилигининг минимал кўрсаткич ишга тушириш токига мос келувчи қийматгача пасайишига олиб келади. Электрйоритгичнинг КЗ ўчирилгандан сўнг нормал ишини тикланиши ўз-ўзидан ишга тушиши дейилади, бунда ўтадиган тоklar эса ўз-ўзидан ишга тушириш токлари деб юритилади.

Барча асинхрон электрйоритгичларда ўз-ўзини ишга тушириш уларнинг бузилишлари хавфсиз амалга оширилиши мумкин, шунинг учун уларнинг химояси ўз-ўзини ишга тушириш режимидан холи бўлиши лозим. Шахсий эхтиёж асосий механизмлари асинхрон электрйоритгичларининг ўз-ўзини ишга

тушириш давомийлиги ва имкониятига иссиқлик электрстанцияларининг узлуксиз ишлашига боғлиқ.

Агар кучланишнинг ортиқча камайиши оқибатида барча ишловчи электрюритгичларни ўз-ўзидан ишга тушишини таъминлаш мумкин бўлмаса, уларнинг бир қисми ўчирилади. Бунинг учун махсус минимал кучланиш химояси қўлланилиб, кучланиш камайганда зарурий бўлмаган электрюритгичларни уларнинг чиқармаларида 60-70% наминалгача ўчиради. Статор ўрамлари бирор фазаси узилиши ҳолатларида электрюритгич ишини давом эттиради. Бунда роторнинг айланиш частотаси бир мунча камаяди, 2 та узилмаган фаза ўрамлари эса номинал токдан 1,5-2 марта ортиқча ток билан юкланади. Электрюритгичларнинг икки фазада ишлашидан химоялаш фақат муҳофазалагич билан химояланган электрюритгичларда қўлланилади (агар икки фазали иш режими электрюритгичларнинг бузилишига олиб келиши эҳтимоли бўлса). Катта қувватли иссиқлик электрстанцияларида тутун сўргич, вентиляторлар ва циркуляцияловчи насос юритмалар и сифатида 6кВ қувватга эга бўлиб, иккиламчи тезликли асинхрон электрюритгичлар кенг қўламда қўлланилади. Бу электрюритгичлар иккита бир-бирига статор ўрамларини бир вақтнинг ўзида ишга тушириб бўлмайди, бунинг учун бошқариш тизимларида махсус блакировка (тўсиқлар кўзда тутилган). Бундан электрюритгичларни қўллаш электр энергияни уларнинг айланиш частоталарини агрегат юкламасига боғлиқ ҳолда ўзгартириш йўли билан иқтисод қилиш имконини беради. Бундай электрюритгичларда 2 комплект релели химоя ўрнатилади. (Реле-ишга туширадиган сезгир асбоб).

Шунингдек механизмни иккита бирлашган электрюритгич билан айланишини кўзда тутувчи электрюритгич схемалари ҳам ишда қўлланилади. (масалан: шаровойли тегирмон), улар битта ўчиргичга уланади. Бунда барча химоялашлар иккала электрюритгич учун умумий бўлиб, фақат нолли кетма-кетликдаги ток химояси бундан мустасно [13,15,16].

Асинхрон электрйоритгичларни фазалараро қисқа туташув, ортиқча юкланиш ва ерга туташидан химоялаш.

Қуввати 5000 кВт гача бўлган электрйоритгичларни кўп фазали қисқа туташидан химоялаш учун одатда максимал ток кесгич қўлланилади. Бундай кесгични ўчиргич юритмасига ўрнатилган тўғри таъсир этувчи реледа бажариш осонроқ ҳисобланади. Релега билвосита таъсир ТТ ва реле бирлаштириш схемасини иккитасидан бири қўлланилади. (1.11 ва 1.12-расм). Боғлиқлик таснифига эга бундай релеларни қўллаш худди шу релеларнинг ўзи ёрдамида КЗ ва ортиқча юкланишдан химоялаш имконини беради. Кесгичнинг ишга тушиш токи қуйидаги муносабатдан танланади:

$$I_{с,з} = k_n k_{сх} I_{пуск}$$


бу ерда

$k_{сх}$ - схема коэффиценти, 6.3-расмдаги схема учун 1 га , 6.2-расмдаги схема учун 3 га тенг;

$I_{пуск}$ - электрйоритгични ишга тушириш токи.

Агар релени ишга тушириш токи ишга тушириш токидан ишланган бўлса, қоидаги мувофиқ кесгич электрйоритгич ташқи КЗда кесишга юборувчи токдан мустаҳкам курилади. Элктрйоритгичнинг наминал токи $I_{ном}$ ва ишга тушириш токи k_n нинг такрорийлиги (коталогда келтирилган)ни билган ҳолда қуйидаги ифодадан ишга тушириш токини ҳисоблаш мумкин:


$$I_{пуск} = k_n I_{ном}$$



1.11-расм. Электрюритгични бир ток релели дархол ҳаракатга келувчи ток узгич билан химоялаш схемаси.


а-ток занжирлари, б-оператив (тезкор) доимий ток занжирлари.

1.13-расмда келтирилган осцилограммадан кўринадикки тўйинтирувчи насос электрюритгичи юритиш токи уланишнинг биринчи моментида электрюритгич ёқишиш токидан юқори бўлган магнитловчи бўлган тўкнинг қисқа чўққиси юзага келади. Созлаш учун бу чўққидан кесгични ишга туширувчи ток ишончилигини коэффицентини ҳисобга олган ҳолда танланади. $K_H=1.8$ РТ-40 типдаги оралиқ релелар орқали тасир этувчи релелар учун $K_H=2$ ИТ-82, ИТ-84 (РТ-82, РТ-84) типдаги релелар ҳамда тўғридан-тўғри ҳаракатланувчи реле учун



1.12-расм. Электрюритгичларни қисқа туташув ва ортиқча юкланадиган РТ-84 туридаги икки реле ёрдамида химоялаш тасвири

а-ток занжирлари б-тезкор доимий ток занжири



1.13-расм. Электрюритгични ишга тушириш токи.

Осциллограммасы қуввати 2000кВт бўлган электрюритгичлар кесгичини қоида бўйича одатда оддий ва арзон бир релели схемада башқариш лозим 1.12-расм ва келтирилган схема бўйича бажарилган қисмга нисбатан сезгирлиги нисбатан пастлигидир.

Шунинг учун қуввати 2000-5000кВт электрюритгичларда сезгирликни ошириш учун токли кесгич 2 релели қилиб, бажарилади. 2 релели кесгич схемани шунингдек қуввати 2000 кВт гача бўлган электрюритгичларда қўллаш 2 фазали КЗда бир релели сезгирлик коэффиценти электрюритгич чиқармаларида 2 дан кам бўлгандагина тавсия этилади.

Қуввати 5000 кВт ва юқори бўлган электрюритгичларда бўйлама дифференциал химоя ўрнатилади, бу электрюритгич ўрамлари ва чиқармаларида КЗга юқори сезгирликни таъминлайди. Бу химоя икки ёки уч фазали РНТ-565 типдаги реле билан бажарилади. (Генератор химоясига ўхшаш) ишга тушириш типини $2I_{ном}$ қабул қилиш тавсия этилади.

Икки фазали химоя ерга иккиламчи туташувларда қўллаганлиги боис кўпгина равишда махсус иккиламчи туташувларда химоя ўрнатилади.

Ортиқча токланишдан химоялаш.

Ортиқча токланишдан химоялаш фақат технологик ортиқча юкламага учраган электрюритгичларда қоидага мувофиқ механизмни созланиши ёки сигналига ҳаракатланувчи қилиб ўрнатилади, масалан шахта тегирмонлари электрюритгичлари химояси кўмир ўтказувчи механизм электрюритгичи ўчирилишда ҳаракатга келиши мумкин. Бунга мувофиқ тегирмонни кўмир билан бўлиб қолиш олди олинади. Ортиқча юкланишдан химоялагич ўзи

ўрнатилган электрйоритгични фақат уни ўчирмасдан туриб сабабларини бартараф этиб бўлмаган ҳоллардагини ўчириш лозиб.

Ортиқча юкланишдан химоялашнинг ўчиришга ҳаракатланувчи турининг қўлланилиши хизмат кўрсатувчи шахслар бўлмаган қурилмаларда ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ортиқча токланишдан химоялашга ишловчи ток

$$I_{c,a} = \frac{k_n}{k_e} I_{ном}$$

бу ерда $k_n = 1,1-1,2$.

Бунда ортиқча юкланишдан химояловчи реле ишга тушириш токида ишлаб кетиши мумкин, шунинг учун химоя вақтининг давомийлиги электрйоритгични ишга тушириш вақти созланиш шартидан 10-20 деб қабул қилинади.

Ортиқча юкланишдан химоялаш ИТ-80 (РТ-80) типдаги реле индукцион релени ёрдамида бажарилади. Агар электрйоритгич ортиқча токланишларда ўчирилиши керак бўлса, химоя схемасида ИТ-82 (РТ-82) типдаги реле қўлланилади. Ортиқча юкланишдан химоялаш ўчиришга ҳаракат қилмайдиган электрйоритгичларда ИТ-84 (РИ-84) типдаги икки жуфт контактли релеларни қўллаш мақсадга мувофиқ улар бўлим ва индукцион элементларнинг алоҳида таъсирини таъминлайди. Бир қатор турган жойда қайрилиш вақти 30-35 секундни ташкил этувчи электрйоритгичлар учун (тутун хайдовчи насос, пудовчи винтиляторлар, тегирмонлар) ортиқча токланишдан химоялаш реле РТ-84 схемалари ЭВ-144 типдаги вақт релелари билан тўлдирилади, у ток релесини тасир туташувидан сўнг ишга тушади. Бунда химоя вақти уланиши 36 секундгача узайтирилиши мумкин. Сўнги вақтларда шахсий эҳтиёж электрйоритгичларни ортиқча химоялаш учун РТ-84 типдаги битти ток релели ЭВ-144 типдаги битта вақт релели схемалардан фойдаланилмоқда. Ишга тушиш вақти 20 секунддан ортиқ бўлган электрйоритгичлар учун ВН-34 типдаги вақт релеси қўлланилмоқда. (1-100 секунд шкалали).

Минимал кучланиш схемаси.

КЗ (қисқа тутушув) ўчирилгандан сўнг бўлим ёки шиналар системасига уланган электрйоритгичлар ўз-ўзидан ишга тушади, уларда КЗ вақти кучланиш пасайиши ўрни бор. Ўз-ўзидан ишга туширилган тоқлари (номиналдан бир неча ортиқ бўлган) шахсий эҳтиёж истемол қазилмаларидан (ёки трансформаторлардан) ўтади. Натижада шахсий эҳтиёж шиналари демак электрйоритгичлардаги кучланиш шунчалик пасаяди бунда электрйоритгич валидаги айланиш моменти унинг қайтарилиши учун етарли бўлмай қолиши мумкин. Шиналардаги кучланиш 55-56% *Ином* дан паст бўлмай қолса электрйоритгичнинг ўз-ўзидан ишга тушиши амалга ошмаслиги мумкин.

Нисбатан зарурий электрйоритгичларнинг ўз-ўзидан ишга тушишини таъминлаш учун малум вақт мобайнида йўқлиги ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатмайдиган. Электрйоритгичларни ўчирувчи минимал кучланиш схемаси ўрнатилади. Бунда ўз-ўзидан ишга туширишнинг ток йиғиндиси камади ва шиналардаги шахсий эҳтиёж кучланиш ортади, бунинг ҳисобига зарурий электрйоритгичларнинг ўз-ўзидан ишга тушиш таъминланади.

Бази ҳолатларда узоқ муддат кучланиш мавжуд бўлмаса минимал кучланиш химояси асосий электрйоритгичларни ҳам ўчиради. Бу кўпинча электрйоритгичларнинг АВР схемаларини ишга тушириш ҳамда ишлаб чиқариш технологияси бўйича зарур. Масалан барча тутун сўргичлар ўчирилган ҳолатда тегирмон ва пурковчи вентиляторлар, чанг сўргичлар ўчирилиши зарур; шунингдек пурковчи вентиляторлар ўчирилган тақдирда – тегирмон вентиляторлари ва чанг сўргичлар ўчирилади. Зарурий электрйоритгичлар минимал кучланиш химоялагични ўчирилиши ҳам уларнинг ўз-ўзидан ишга туширилишига техника хавфсизлиги шартлари ёки юритувчи механизмларнинг бузилиши хавфида йўл қўйилмади[5, 9, 15,].


Минимал кучланиш химоясини бажаришнинг, у фазалараро кучланишга уланади. Лекин бундай химоя ишончли эмас, чунки куланиш занжирларидаги

узилишларда электрйоритгичларнинг сохта ўчирилиши бўлиши мумкин. Шунинг учун химоянинг бир релели схемаси фақат тўғри таъсирли релелардан фойдалангандагини қўлланади. Химоянинг ёлгон (сохта) ишга тушишсини олдини олиш учун кучланиш занжирларидаги бузилишларда махсус кучланиш релеларини ёқиш схемалари қўлланади.

Тяжпромэлектропроекти ишлаб чиқилган тўрта электрйоритгич учун бундай схемалардан бири 1.14-расмда кўрсатилган. Тўғридан-тўғри таъсири минимал кучланиш релеси $KVT1-KVT4$ фазалараро куланиш ab ва bc га уланган. Химоянинг ишончилигини ошириш учун бу релелар қурилма ва хисоблагичлардан алоҳида таъминланади, улар кучланиш занжирига оний электромагнит узгичли уч фазали автоматик ёқич $SF3$ га уланган. (2 фазали автоматик ўчиргичлар фойдаланилган.)

Кучланиш занжирларининг B фазаси ёпиқ заминланмасдан тешиб ўтувчи химоялагич FV билан заминланган.

A фазанинг химоясида бир фазали электромагнит оний узгичли ўчиргич $SF1$ ўрнатилган, C фазада - секинлашган иссиқлик узгичли автоматик ўчиргич ўрнатилган. A ва C фазалар оралиғида 30 мкФ сиғимли конденсатор C ёқилган бўлиб, вазифаси қуйида кўрсатилади.



1.14-расм. РНВ типдаги тўғри таъсир релели минимал кучланишли химоя схемаси.

Кучланиш занжирларидаги бузилишлардаги кўриляётган химоя ўзини қуйидагича тутати. Фазалардан биринчи ерга тутатиши юқорида берилгандек,

автоматик ўчиргичларни ўчишиги олиб келмайди, чунки кучланиш занжирларни берк заминга эга эмас.


B ва *C* фазаларнинг икки фазали қисқа туташувда (*K3*) фақат *C* фазанинг *SF2* автоматик ўчиргичи ўчади. *KVT1* ва *KVT2* кучланиш релелари бунда нормал кучланишига уланганига қолади, шунинг учун ишга туширилмайди. Кучланиш занжирларидаги қисқа туташувда (*K3*) ишга тушган *KVT3* ва *KVT4* релелари *SF2* автоматик ўчиргичлар ўчирилгандан сўнг уларга *C* конденсатор орқали *A* фазадан кучланиш узатилганлиги учун яна тортилиб қолади.

AB ёки *AC* фазалардаги қисқа туташувда (*K3*) *A* фазада ўрнатилган *SF1* автоматик ўчиргич ўчади. Қисқа туташуш ўчирилгандан сўнг *KVT1* ва *KVT2* релелари *C* фазадан узатилагн кучланиши таъсири остида яна тикланади. Кучланиш *C* конденсатор орқали келади. *KVT3* ва *KVT4* релелари ишга тушмайди. *A* ва *C* фазалар узилганда ҳам релелар худди шундай ҳаракатланади.

Шундай қилиб, кўриляётган химоялаш схемаси кучланиш занжирларидаги юзага келиши мумкин бўлган бузилишларда сохта ишламайди. Химоянинг сохта ишлаши кучланиш занжирларининг камдан-кам ҳолатларида бузилишларида бўлиши мумкин холос – яъни уч фазали қисқа туташув (*K3*)да ёки *SF1* ва *SF2* автоматик ўчиргичлар ўчирилганда.

Доимий тезкор токли қурилмаларда минимал кучланиш химояси шахсий эҳтиёж йиғма шиналарнинг ҳар бир бўлими учун 1.15-расмда келтирилган схема асосида бажарилади.

Зарурий бўлмаган электрйоритгичларни ўчирилишига ишловчи *KT1* вақт релеси занжирида *KV1* кучланиш уч минимал релесининг контактлари кетма-кет ёқилаган. Реленинг бундай ёқилиши ҳисобига кучланиш трансформатори занжирларидаги исталган химоялагич куйганда сохта ишга тушишини олди олинади. *KV1* реленинг ишга тушиши кучланиши $70\% I_{ном}$ атрофида қабул қинади.



1.15- расм. Доимий тезкор токда минимал кучланиши химояси схемаси


а- ўзгарувчан кучланиш занжирлари; б- тезкор тармоқ занжирлари; I - зарурий бўлмаган юритгичларни ўчириш учун; II -асосий юритгичларни ўчириш учун.

Зарурий бўлмаган электрйоритгичларнинг ўчиришига кетадишан вақт давомийлиги электрйоритгич бўлинмасидан юзланиб 0,5–1,5 қилиб ўрнатилади.

Асосий электрйоритгичларни ўчириш учун вақт доимийлиги КЗ (қиса туташув) ва электрйоритгичларнинг ўз-ўзидан ишга тушиши натижасида кучланиш пасайган вақтда химояни ўчиришга ишлаб кетмаслиги учун 10-15 секунд деб қабул қилинади.

Эксплуатация тажрибалари кўрсатадики, кўп ҳолатларда ўз эҳтиёжи учун шиналарда кучланиш пасайганда 60-70% $U_{ном}$ гача электрйоритгичларнинг ўз-ўзидан ишга тушиши 20-25 секунд давом этади. Бу вақтда қуйидагича чоралар қурилмаси ишга тушиш ўрнатмасига (0,6- 0,7) $U_{ном}$ эга бўлган минимал кучланиш (реле KV1) химояси асосий электрйоритгичларни ўчириши мумкин эди. Ўрам занжирларида буни олдини олиш учун вақт релеси KT2 ососий электрйоритгичларни ўчиришга ишловчи кучланиш тўртинчи релесининг KV2 контакти KV2.1 ёқилади. Охирги пайтларда электрйоритгичларда бошқа турдаги химоя схемаси қўлланилади. (1.16- расм)

Бу схемада учта ишга тушириш релесидан фойдаланилади.: РНФ-1М типдаги қайтар кетма–кетлигидаги кучланиш релеси ва РН-54/160 типдаги KV2 ва KV3 минимал кучланиш релеси.



1.16-расм. Тўғри кетма-кетлигидаги кучланиш релели минимал кучланишли химоялаш схемаси

а- кучланиш занжирлари; б-тезкор занжири

Фазалараро кучланишлар симметрик бўлганда нормал режимда вақт релеси ўрами занжиридаги химоялар $KT1$ ва $KT2$ узини контакти $KV1.1$ ёпиқ лардаги сигнализация занжиридаги туташтирувчи $KV1.2$ ажралган. $KV2.1$ ва $KV3.1$ реле ажратувчи контактлари бунда жралган бўлади.

Барча фазаларда кучланиш псайганда $KV1.1$ контакт ёпиқлигича қолади ва кетма-кет холда таъсир этади: биринчи минимал кучланиш химоя босқичи $KV2$ ва $KT1$ релелар ёрдамида амалга оширилади. (ишга тушиши ўрнатма қиймати $0,7U_{ном}$); иккинчиси – $KV3$ ва $KT2$ релелари ёрдамида (ишга тушиши ўрнатма қиймати $0,5U_{ном}$) фазалардан бири ёки икkitаси бузилганда $KV1$ реле ишга тушади, унинг туташтирувчи контакти $KV1.2$ томонидан кучланиш занжирларидаги бузилишлари тўғрисида сигнал узатилади.

Хар бир химоя босқичи ишлаб кетганда $ШМН1$ ва $ШМН2$ шиналарга плюс узатилади, бу ердан электрюритгичларни ўчириш занжирига ўтади. Химоя харакати $KН1$ ва $KН2$ кўрсатгичли релелар ёрдамида хабарланиб, улар паралел ёқиладиган ўрамларга эга[16,22,23].

1.3.4. Электр двигателларини компьютерли химоясини ташкил этиш зарурияти

Юқорида кўриб ўтдикки ўтган асрни 80 йилларда лойихаланган электр двигателларини химояси хозирда хам кенг қўлланилмоқда. Лекин уларни

зарурий курилмаларини ишлаб чиқаришдан олиб ташланмоқда, бу эса эски тизимни қуллаш имкониятини йўқатмоқда. Ушбу эски тизимдан фойдаланилмаётганлигига қуйидаги сабабларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- двигателларни параметрлар бўйича химоялаш қийматларни доимо ҳолатдан келиб чиқиб ўзгартириш имконияти йўқлиги;

- эски химоя электр ва электрон воситаларни ишлаб чиқаришдан секи наста олиб ташланаётганлиги;

- ишлаб чиқариш саноатига компьютерли автоматика курилмаларини кириб келиши;

Электр двигателларини химоялашни янги модернизацияланган тизимини лойихалаш заруриятини келтириб чиқарди.

II – боб АТ-1 нефтни қайта ишлаш қурилмасини бошқариш тизимини модернизациялаш


2.1.АТ-1 қурилмаси технологик схемаси

Ўзбекистон Республикаси табиий ер ресурсларига бой давлатдир. Мустақиллик эришгандан сўнг кўплаб табиий бойликларга қазиб олиш, улардан оқилона фойдаланиб ишлаш бўйича кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Шу аснода нефт соноатида ҳам кўплаб ютиқларга эга бўлди. Ўз давлатимиздан қазиб олинаётган нефт мафсулотларини тайёр ҳолда етказиб бериш бўйича кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Республикамизда қазиб олинаётган нефтни асосий қисми Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида амалга ошириляётганини алоҳида такидлаш лозим.


Нефт саноатида ҳам ишлаб чиқаришни турли муаммолари мавжуд. Фарғона нефтни қайта ишлаб чиқариш заводида шундай муаммолардан бири электр юритмаларини куллаш ва ундан фойдаланишдаги масалалардир . Бу электр юритмалар заводнинг ҳар бир технологик циклида катта аҳамият касб этади. Нефтни резурварларга қуйишда, нефт маҳсулотларини установкаларга етказиб беришда, қўйинки, барча зарурий хом ашёларни бир ердан бошқа бир ерга кўчиришда хизмат қилади. Нефтни қайта ишлаб чиқариш бўйича заводнинг асосий қурилмаларидан бўлган АТ-1 қурилмасида ҳам катта ўрин тутати.

Биз замонавий технологиялар ёрдамида Фарғона нефтни қайта ишлаб чиқариш заводининг АТ-1 қурилмасини модернизация қилишга эришдик. Ҳозирги кунда ушбу қурилмада замонавий компютер жихозлари кулланилиб келнмоқда[35,38].

Қуйида Фарғона нефтни қайта ишлаб чиқариш, АТ-1 қурилмасининг компьютерли техналогик схемаси келтириб ўтилмоқда.



а) АТ-қурилма қисми



б) ЭЛОУ-қурилма қисми


2.1-расм АТ-1 қурилмаси модернизацияланган технологик схемаси

2.2. АТ-1 қурилмасида электр двигателларини қўлланилиши ва электр таъминоти

Юқорида айтиб ўтганимдек электр двигателлар нефтни қайта ишлашда катта хизмат қилади. АТ-1 қурилмасида электр юритмалари қуйидаги тартибда хизмат кўрсатади.

Биринчи нафбатда резервуарларга келиб тушган нефт хом ашёсини. Н-5, Н-7, Н-9 насослари орқали паркдан электрогидраторга узатилади, электрогидраторда нефт катта электр токи ёрдамида тузсизлантирилади,

тузсизлантирилган махсулот теплообменник (харорат алмаштиргич) орқали ўтиб, А-4 колоннага бориб қуйилади. Колоннадан ажралиб чиққан полумазутни Н-34, Н-11, Н-25, Н-19 насослари орқали махсулотни П-1 ва П-2 печларга юборамиз, харорати 800 градусдан ошган нефт махсулотини тўғридан-тўғри А-2 колоннага хайдалади. Асосий иш жараёни А-2 ва А-3 колонналарда юз беради. 360 градусгача қайнаган махсулот бензин, керосин ва дизелга ажралади. Бензин махсулотини Н-16, Н-26, Н-41 насослар орқали резервурли паркларга, керосин Н-1 ва Н-2 насослар орқали керосинли паркларга, дизел махсулотлари эса Н-7, Н-12 орқали дизул паркларига юборилади.



2.2-расм. АТ-1 технологиясидаги электр двигателларнинг модернизациялашган кўриниши

Махсулотлар турига қараб ранглар ажратилиб, кўрсатилиб ўтилган. Махсулотларни кириши қичиши кўрсаткичлар орқали белгилаб ўтилган. Юқоридаги расмда электрйуритмани кўраткичлари компютерда акс эттирилган. Расимларни баъзи холларда мнемосхема ҳам деб аталади. Бу мнемосхемада қурилма оператори узига зарур бўлган информацияларни олишга фойдаланади. Мнемосхема технологик жараённи бориши тугрисида тула информация беради.

Технологик жараенни параметрлари киймати оний ҳолатда курсатиб турилади. Бу параметрлар ҳарорат, босим, сарф, сатх ва бошқалардир[2].

2.3.АТ-1 қурилмасида электр двигателларини юкламасини ўлчаниш тизимини модернизацияланган схемаси

Саноатимизда ишлатилаётган электр юритмалар жуда хилма-хил бўлиб одатда улар маълум бир меъзон асосида таснифланади. Биз ҳам электр юритмаларни урганаётганимизда ушбу таснифлардан фойдаланамиз. Электр юритма мурракаб электромеханик тизим бўлиб одатда улар электр юритма элементларидан ташкил топади. Электр юритма назариясида бу элементлар бажариладиган вазифасига кура таснифланади. Электр юритмаларни урганишда купинча структуравий схемалардан фойдаланилади. Бунда ҳар бир элемент алоҳда туртбурчак шаклида ва кириш ҳамда чиқиш сигналлари билан берилади. Ундан ташқари ҳар бир элементнинг бошқа элементлар билан бошланишлари курсатилади. Ҳар бир элемент одатда структуравий схемаларда узатиш функциялари билан еки узатиш коэффициентлари билан характерланади. Бундан ташқари электр юритмаларни ишлаш принциплари функционал схемаларда ва принципаиал электр схемаларда ифодаланади.

Назорат улчов асбоблари ишлаб чиқариш жараенини назорат қилиш, технологик параметрларни улчаш, автоматик назорат, химоя ва сигналлаш системаларининг системаларининг илмий принциплари ва характеристикаларини, шунингдек, уларни тузиш учун қулланиладиган техник воситалар-улчов асбобларининг тузилишини, хусусиятларини ва қулланилишини урганади. Бу назорат асосан электр улчаш асбоблари орқали амалга оширилади. Автоматик назорат асосан ноэлектр микдорларни электр сигналларга айлантириб амалга оширилади. Шунинг учун бевосита улчовчи


асбобларда ташкари ноэлектр микдорларни электр сигналларга айлантирувчи қурилмалар урганилади.

Назорат улчов асбоблари курсини утишдан асосий мақсад -ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришни кенг ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида технологик машиналарнинг оптимал режимларда ишончли ишлашини маҳсулот сифатини юқори курсаткичлар эга бўлишини таъминловчи назорат-улчов элементларини жорий этиш маълақасини ҳосил қилиш[3].

Электр двигателларини юқламасини улчаш тизими қуйидагича лойихаланган



2.3 расм. Электр двигател ток нағрузқасини компьютер орқали назорат қилишни блок схемаси



2.4 расм. Электр двигател ток нағрузқасини компьютер орқали назорат қилишни боғланиш схемаси

Электр двигателларни ток қийматини олишда. Расмда келтириб ўтилган боғланиш орқали компьютерга етказилган. Бунда юритма фазасига 100/5А ток трансформатори орқали боғланган. Трансформатордан олинган 0-5А ўзгарувчан ток қиймати Е-842 маркали преобразователь (ўзгатиригич) га узатилади. Е-842 қурилмаси ўзгармас 0-5 мА чиқаради. Ўзгармас ток қийматини Адам-7017 микроконтролери қабул қилиб, аналог электр сигналинир рақамли сигналга айлантириб, стандарт интерфейс RS-485 тарзида узатади. Бу сигнални конвертор RS-232 интерфейсига айлантириб, компьютерга затади. Компьютерда махсус юклатилган программалар орқали ушбу қийматни экранга чиқариб берди.



2.5 расм. Электр двигателларни кўрсаткичларини жойлашуви

Юқорида электр юритмаларнинг компьютердаги реал кўриниши тасвирланган. Экран параметр (кўрсаткичлари) ларининг асосий белгиланиши: Юритгич:

- айланганда - ишляяпди
- айланмаганда - ишламаяпди

Қора рангдаги кўрсаткич насоснинг реал ҳолатдаги ишчи юкламасини яъни ток қийматини кўрсатади.

Кўк рангдаги кўрсаткичлар электродвигателни қизиб кетмаслигини олдини олиш мақсадида, юритмаларнинг подшипигиги қизиш ҳарорати кўрсатиб ўтилган.

2.4. Жорий электр юкламасини компьютерда ифодалашни программа таъминоти

2.4.1. Дастурий таъминотнинг вазифаси ва тузилиши. (Trace Mode 5)

Технологик жараёнларни автоматлаштир кулланилган инструментал программа пакет хисобланган Россияда фаолият кўрсатаётган “AdAstra” гуруҳи томонидан яратилган «TRACE MODE» программа пакетини мақсад ва имкониятлари тугрисида тухталмоқчимиз. Чунки биз лойиҳалаган ва ҳозирда мамлакатимизни бир неча корхоналарида кулланилаётган автоматлаштирилган бошқариш системалари шу пакет ёрдамида амалга оширилган.

«TRACE MODE» программа пакетини ҳозиргача бир неча версиялари мавжуд. «4.10» версиягача бўлган пакетлар ДОО муҳитида, кейинги «5.0» версиядан бошлаб эса Window муҳитида ишлайди.

«TRACE MODE» программа пакети комплекс программа бўлиб у, технологик жараёнларни бошқариш системаларини яратиш, созиш ва реал вақтда ишга туширишни таъминлайди. «TRACE MODE» пакети таркибига қирувчи программалар икки гуҳга бўлинади:

- Технологик жараёнларни автоматик бошқариш системалари (ТЖ АБС) ни лойиҳалаш инструментал системаси;
- ТЖ АБС ни бажариш модули(рунtime).

Инструментал система ўз ичига ўқта редакторни олади.

Улар қуйдагилар:

- Каналлар базаси редактори;
- Маълумотларни ифодалаш редактори;
- Шаблонлар редактори.

Бу программалар ёрдамида технологик жараёнларни боришини компьютер экранида ифодалаш(визуализация), реал маълумотлар базасини ташкил этиш, технологик жараёнларни бошқариш, олинган маълумотларни бошқариш,

техжараённи вақт бўйича архивини ташкил этиш ва зарурий қуринишларда ҳисобот формаларини тайёрлаш каби операсиялар амалга оширилади.

Инструментал системалар бир биридан қайта ишлай оладиган информация олиш ва чиқариш умумий нукталари сони билан фаркланади. Лицензион программалар битта прехтда(автоматлаштирилган системада) информация кириш-чиқиш каналлар сони 128, 1024талик бўлади.

Бу ерда кириш сигналлари(нукталари) дейилганда автоматлаштирилган системани технологик жараёндаги қурилмаларда фойдаланилаётган датчикларидан олинadиган сигналлар тушинилади. Чиқиш сигналлари дейилганда технологик жараёнда қўлланилаётган бажарувчи механизмларга ва улчов асбобларига юборилаётган сигналлар тушунилади. Датчикларга температурани сезувчи қурилмалар: термopара, термоқаршилиқ; босимни, босимлар фарқини, вакуумни сезувчи қурилмалар – сапфир ва метранлар; бирор қурилмани ишлаётган ёки ишламаётганлиги тўғрисида сигнал берувчи реле қурилмалари киради[32,33,34,].

Каналлар базаси редактори орқали қуйдагилар амалга оширилади:

- автоматлаштирилган бошқариш системасини математик асоси ташкил этилиш;
- система таркибига қирувчи ишчи стансиялар, контроллерлар ва технологик объект билан боғланиш қурилмалари конфигурацияси белгилаш;
- қурилмалар уртасида информациялар оқимларини йўналишларини қўрсатиш;
- кириш ва чиқиш сигналлари ифодалаш, уларни маълумотларни туплаш ва бошқариш қурилмалари уртасидаги алокани белгилаш;
- ишчи стансия билан қурилмалар уртасидаги информация алмашинув даврини белгилаш;

- олинаётган ва юборилаётган информасия(сигнал)ларни бирламчи кайта ишлаш, технологик чегараларни урнатиш, кайта ишлаш ва бошқариш логикасини курсатиш;
- технологик параметрларни архивлаш, тармок буйича информасия алмашинувини ташкил этиш ва бошқалар.

Хулосалаб айтилганда, каналлар базаси редактори ёрдамида ТЖ АБС лоихасини математик ва информсион структураси яратилади. Бу структура уз ичига лойихадаги каналлар базаси тупламини, барча контроллерлар ва ишчи станция файллар конфигурациясини, ҳамда лойихани барча файллар конфигурациясини уз ичига олади. Лойиханин файл конфигурацияси “.cmt” кенгайтмага эга бўлиб ишчи каталогдан жой олади. Каналлар базаси эса файлда сакланиб “.dbb” кенгайтмага эга булади. Каналлар базаси редактори инструментал ситемани мос икони еки “.chb.exe” программаси га старт берилиши билан ишга тушади.



2.6 расм. TRACE MODE пакети

Маълумотларни ифодалаш редактори лойихани ишчи стансияси и мониттори экранида графика куринишида ифодалаш учун хизмат килади.У ёрдамида куйдагилар амалга оширилади:

- лойихани бошқариш системасини график кисми яратиш;

- технологик жараёнларни ифодалашдаги статистик курилмаларни ифодалаш;
- ҳаракатдаги механизмларни реал ҳаракатини таоминлаш;
- ишчи стансия мониторида бир нечта экран ташкил этиш ва уларда бир бирига утиш механизмини яратиш;
- расмдаги ва графиктдаги технологик жараён ҳар бир детални маълум каналга боғлаш ва бошқалар.

Редакторни инструментал ситемадаги мос икон ёки «рисман.exe» файлига старт бериш билан ишга туширилади. Хосил булган файл ишчи каталогда «.dbg» кенгайтма билан хосил булади.

Шаблонлар редактори лоихада хиисобот формаларини ташкил этиш учун хизмат килади. Редактор ёрдамида пакет ёрдамида олинган информасияларни Windows система программалари Word, Эхсел, Ассес ларга информасияларни экспорт килиш амалга оширилиши мумкин. Редакторни инструментал ситемадаги мос икон ёки «хтмпиед.exe» файлига старт бериш билан ишга туширилади.

Пакетни **бажарувчи модули** уз ичига инструментал система ёрдамида яратилган лоихани бажарилишини таоминловчи ва бошқарувчи программаларни тупламини олади Тупламга куйдаги лисензион программалар киради:

- МПБ:
- НетЛинк МПБ:
- Адаптиве Сонтрол МПБ:
- МПБ Модем +:
- Double Force MPB:
- Double Force NetLink MPB:
- NetLink Light:
- СУПЭРВИСОР:

- Глобал регистратор;
- Сервер документирование;
- Консол тревог;
- Микро МРВ;
- Микро МРВ Модем;
- Микро МРВ GCM+;
- GCM – активатор;
- Веб – активатор.

Келтирилганлардан юқоридаги ун иккитаси автоматлаштирилган системаларни юқори сатхдан ишга тушириш ва бошқариш учун мулжалланган. Микро МРВ, Микро МРВ Модем, Микро МРВ GCM+ программалари контроллерлар асосида ташкил этилган куйи сатх автоматлаштирилган системаларни ишга тушириш учун хизмат килади.

Реал вақт монитори(МРВ) ни ишга тушириш билан куйдаги масалалар хал қилинади:

- программа таркибига киритилган(встроеннқй) протоколлар еки драйверлар ёрдамида технологик жараён хакида маълумот олишни ташкил этиш;
- программа таркибига киритилган(встроеннқй) протоколлар еки драйверлар ёрдамида куйи сатхга бошқариш командаларини юбориш;
- объект қурилмалари билан алоқа(USO) платалари билан маълумотлар алмашишни ташкил этиш;
- маълумотларни архивга саклаш;
- компьютер тармоги оркали масофадаги МРВ билан маълумот алмашиш;
- компьютер тармоги оркали навбатдаги сатх автоматлаштирилган системаси билан алоқа урнатиш;
- ODBC оркали маълумот алмашиш;

- операторга технологик жараён хакида гирафиклар ёрдамида информасия бериш;
- технологик жараённи автоматик ва супервизорли бошқариш;
- Windows илова программалари билан маълумот алмашиш ва бошқалар.

NetLink MPB – бу программа MPB га кушимча равишда автоматлаштирилган система лоихасида ТРЕЙС МОУД оркали программаланувчи контроллерлар иштрок этганда кулланилади.

Адаптиве Контрол MPB – программа MPB га кушимча равишда адаптасияланган бошқарувчи библиотека программаларини уз ичига олади.

MPB Модем+ кушимча равишда коммутасияланган тармоқлар оркали маълумот алмашувини тامينлайди.

Double Force MPB – программа MPB программасига кушимча равишда ишчи стансияга резерв стансия куйиш ммконини беради.

Double Force NetLink MPB - программа MPB программасига кушимча равишда ишчи стансияга резерв стансия куйиш ммконини беришдан ташқари, лоихада контроллерлардан ҳам фойдаланиш мумкин булади.

NetLink Light – программа битта MPB программаси урнатилган ишчи стансияга технологик жараённинг боришини кузатишни бир нечта кушимча ишчи стансиялар ёрдамида кузатиш имконини беради.

СУПЭРВИСОР - NetLink Light га кушимча равишда технологик жараённи оператив бошқариш имконини беради.

Глобал регистратор – автоматлаштирилган бошқариш системасини барча каналларидан келган ва каналларга юборилган маълумотларни тармок буйича архивда саклашни ташкил этади. Архив маълумотларни СУПЭРВИСОР ёрдамида бир неча ишчи стансияларда олиш имкониятини беради.

Сервер документирование – программа модули технологик жараённи боришидаги информасияларни хужатлаштириш, маълум формаларда

хисоботлар олиш ва маълумотларни Интернет оркали узатиш каби операсияларни амалга ошириш учун кулланилади.

Микро MPB, Микро MPB Модем, ва Микро MPB ГСМ+ модуллари технологик жараёнларни бошқаришни автоматлаштирилган системаларида куйи сатх бошқариш системаларида микроконтроллерлар, контроллерлар кулланилганида лоихани ига туширишда фойдаланилади.

Бу ерда алоҳида такидлаб ўтиш керакки, “TRACE MODE” программа пакети автоматлаштирилган системаларни лоихалашда лоихаловчидан махсус программалаштириш тили бўйича тайёргарлик талаб қилмайди. Программа пакети инженер ходимларга мўлжалланган. Технологик жараёни алгоритмик тўла тасаввур қила оладиган ҳар қандай инженер ходим пакетдан фойдаланиб автоматлаштирилган бошқариш ситемасини лоихалаш мумкин[36,38,39,40,54].

2.4.2. Оптимал иш учун конфигурациялар

Технологик жараёни бошқарувчи компьютер АСУ ТП “АТ-1” нинг ажралмас қисми ҳисобланади ва ўлчов маълумотларини қайта ишлаш, ўлчаш натижаларини акс эттириш ва оператор билан алоқа учун зарур. Лойиха икки қисмдан иборат: техник қисми ва программа таминоти.


Дастурий бошқарув Trace Mode 5.12 муҳтида амалга оширилган ва саноат компьютери, Windows операцион тизими бошқарувида ишлаш учун мўлжалланган. ЭВМга аппарат талаблари оператцион тизимлар билан мувофиқ, лекин оптимал иш учун қуйидагилардан паст бўлмаган конфигурациялар тавсия этилади

- Pentum 166МГц даражадаги процессор
- 32 Мб тезкор хотира
- 1Гб қаттиқ диск
- Видео адаптер ва исталган монитор, агар режимда ишлаш назарда тутилса
- Клавиатура ва “сичқонча” манипулятори.

2.4.2. Программа таъминотини яратиш

Компютердаги яратилган программа таъминотини кўриб чиқамиз.

Trace Mode 5.12. да янги лойиха ҳосил қилиниб, “Каналлар базаси” қисмида қурилмалардан келувчи сигналлар учун каналлар ҳосил қилиниб олинади. Хар бир қурилма учун узига тегишли бўлган каналлар ҳосил қилинади. Каналлар қурилманинг адреси бўйича тартибланади




2.7 расм. “Каналлар базаси” қисмида канал ҳосил қилиш.

Реал юклама қийматини олишими учун, қабул қилинган сигналларни FBD программа қисми орқали, мантиқий блоклар ёрдамида электр юритмани юклама қийматини ҳисоблаш формуласини тузамиз.


$$A = \frac{a \cdot k}{5} \cdot A_m$$

Бу ерда. a - қабул қилинган қиймат
 k -тўғирлаш коэффиценти
 A_m -максимал кўрсаткич қиймати




2.8 расм. Электр юритмаларнинг юкламасини ҳисоблашни компьютерли программалаштирилган қисм кўриниши

Ушбу хосил қилинган каналарни “Намоиш ойнаси” қисмига бағланади ва электр юкламани созлаш ойнаси тузилади.




2.9. расм. Электр юритмаларнинг юкламасини созлаш ойнаси.



2.10 расм. H-1 насос учун программалаштирилган қисм.

2.10 расмда кўрсатиб ўтилган юклама қиймати, подшипникдаги қизиш харорати кўрсатиб ўтилган. Бу ерда кўрсатиб ўтилган созлаш қисмидаги максимал кўрсатиш қиймати ва тўғрилаш коэффициенти киритилади.



2.11 расм. Электр юритмани юклама қийматларини график ифода кўринишида вақт бўйича компьютер хотирасига сақлаш ойнаси кўриниши

Юқорида кўрсатиб ўтилган расмда оператор тезкор равишда хар бир жэлектр юритсманинг вақи бўйича юклама қийматини кўриб чиқиши ва чоп этиш қурилмаси орқали нусха кўчириши имкониятига эга.

2.5. Нефт саноатида электр двигателларини энергия сарфини хисобини юритишни компьютерли варианты

2.5.1. Ўзгармас юкланишда электр двигател қувватини хисоблашни математик ифодаси.

Тезлиги ростланмасдан ўзгармас ёки кам ўзгарувчи юкламада узок вақт ишловчи кўплаб механизмлар мавжуд мисол учун насослар, компрессор, вентиляторлар. Бундай режим учун электр двигател танлашда механизм истемоқ қувватини билишмиз керак.

Агар қувват номалум бўлса уни назарий ҳисоблар ёки кўп маротаба тажрибадан ўтган коэффициентлар қўланиладиган электрик формулалар ёрдамидаги ҳисоблар ёрдамида аниқланади.

Кам ўрганилган механизмлар учун қувватни аниқлаш ўзи қайд этувчи асбоблар ёрдамида шу каби ускуналарда юклама диаграммалари олиш билан аниқланади ёки маҳсулот ишлаб чиқаришда электр энергия солиштирма сарфини ҳисобга оловчи статик маълумотлар асосида олинган энергия истемоли нормативларидан фойдаланилади.

Механизм қуввати аниқ бўлса электр двигател каталог бўйича оралиқ узатма фойдали иш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда танланади. Электр двигател валидаги ҳисобий қувват

$$P = \frac{P_M}{\eta_{\Pi}}$$

P_M - механизм истемоқ қуввати

η_{Π} - узатма ФИК

Каталог бўйича қабул қилинган электро двигател номинал қуввати ҳисоблаб топилган.

Танланган элекродвигател иссиқлик ёки ортиқча юкланишга текширишга хожат йўқ, сабаби ишлаб чиқарувчи корхона барча синашлар ва ҳисоблашларни амалга оширган.

Бундай ҳисобларга асос қилиб номинал қувватда электр двигателда фойдаланилган материаллардан максимал қўлланилиши олинган.

Аммо базида электро двигател ҳосил қилувчи ишга тушиш моменти етарли эмаслигини текширишга тўғри келади, бунинг сабаби бази механизмлар ишлаш бошида юқори ишлаш қаршилигига эга (мисол учун транспортерлар, метал кесиш станоклари).

Насос учун электродвигател қуввати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$P = k_3 \frac{gQH\gamma}{\eta_{\text{нас}}\eta_{\text{п}}} 10^{-3} = k_3 \frac{Qp}{\eta_{\text{нас}}\eta_{\text{п}}} 10^{-3}$$

Бу ерда

k_3 - электродвигател қувватида келиб чиқиб 1,1-1,3 қабул қилувчи захира коифиценти

g -эркин тушиш тезланиши

Q -насосни узатиш хажми, м³/с

H - хисобланган кўтарилиш баландлиги, м

γ -узатилаётган суюқлик зичлиги кг/м³

$\eta_{\text{нас}}$ -насос ФИК

○ поршенли насос учун: 0.7-0.9;

○ марказдан қочма:

▪ 0.4x10⁵ Па босимдан юқори насослар учун 0.6-0.75;

▪ 0.4x10⁵ Па босимдан паст насослар учун 0.45-0.6;

$\eta_{\text{п}}$ -узатма ФИК 0.9-0.95 га тенг

$p = \gamma hg$ - насос хосил қилган босим, Па

Марказдан қочма насос учун электро двигателни айланиш частотасини тўғри танлаш жулда муҳимдир, сабаби насоснинг унумдорлиги Q , баландлик H , момент M ва электродвигател валидаги қувват P , бурчак тезлик ω боғлиқ. Битта насоснинг ўзи учун ω_1 учун Q_1, H_1, M_1, P_1 қийматлар, ω_2 тезликдаги Q_2, H_2, M_2, P_2 қийматлар қуйидаги нисбат билан боғланган.

Ушбу нисбатлардан келиб чиқиб, бурчак тезлиги ортгани сайин у истемол қилаётган қувват ортиб боради ва электр даигатео қизишига ва ишдан чиқишига олиб келади. Бурчак тезлиги паст бўлса насос томонидан хосил бўлган босим етарли бўлмайди ва суюқлик узатилмайди.

Поршенли компрессор учун электро двигател қуввати

$$P = k_3 \frac{QA}{\eta_k \eta_p} 10^{-3}$$

Бе ерда

Q-насос унумдорлиги узатиши м³/с

$A = (A_{и} + A_{а})/2$ - талаб этилган P_2 босимгача атмосфера $P_1 = 1.1 \times 10^5$ Па

босим билан изометрик ва адиобатик сиқилишдан хосил бўлган иш.

10×10^5 Па гача бўлган босимлар учун A нинг қийматалари

$P 210^5 \text{ Па}$	3	4	5	6	7	8	9	10
$A, 10^{-3} \text{ Дж/м}^3$	132	164	190	213	230	245	260	272

ηк-компрессор индикатор ФИК 0.6-0.8 га тенг

ηП-узатиш ФИК 0.9-0.95 га тенг

кЗ-захира коэффициенти 1.05-1.15 гача

Поршеноли насос қуватини аниқлагандан сўнг электро двигател учун мос келувчи СТА частота ўзгартиргичларини танлаш мумкин.

Вентилятор учун электродвигател қуввати

$$P = k_3 \frac{QH}{\eta_v \eta_p} 10^{-3}$$

Бу ерда

Q -вентилятор унимдорлиги, м³/с

Н- ветилятор чиқишидаги босим, Па

ηв-вентилятор иш коэффициенти

ўқли вентилятор учун 0.5-0.85

марказдан қочма вентилятор учун 0.4-0.7

$\eta_{п-узутма}$ ФИК

k_3 -захира коэффициенти;

- 5кВ дан ортиқ қувват 1.1-1.2 га
- 2кВ гача 1.5 га
- 1кВ гача 2 га

Худди шу формула ёрдамида марказдан қочма вентилятор учун электро двигате химобланади.


Марказдан қочма механизмларни (насос копрессор ва вентиляторлар) эксплуатацион хусусиятлари, механизм турли бурчак тезликдаги унумдорлигидан ҳосил бўлаган босимни боғлиқлик билан аниқланади. Бу боғлиқликлар Q-H характеристика деб номланади, конкрет механизмлар учун каталогларда график кўринишларда берилади.

2.5.2. Ўзгармас юкланишда электр двигател қувватини ҳисоблашни компьютерда дастурлашган ифодаси.

Математик ифодани дастурий аъминотини тузишда аввало аниқ ва ноаниқ қийматлар белгиланиб олинади. Юқоридаги ифода электр юрима коэффициентлари ўзгармас сон сифатида берилган. Номалум қийматлар қиймалар: вентилятор чиқишдаги босим қиймати, насосни узатиш ҳажми бирламчи қурилмалар орқали дастурга қабул қилинади.


Дастурий ифодани қуйидаги кўринишда узамиз.

Математик ифодада берилган қийматлар бўйича программалашган канналар орқали иқодалаймиз.




2.12 расм. Дасурий таъминотнинг канналар тузиш қисми

Берилган формулани мантикий элементлар орқали компьютерда дастурини тузиб чиқамиз. Бунда дастурнинг FBD программа бўлимида иш олиб борилади.




2.13 расм. Математик ифодани FBD блоклари орқали дастурини тузиш

Дастурнинг “Каннал базаси” қисмида юқорида тузилган компютерлашган формулани хар ифодани белгиланган канналлар билан боғлаб чиқамиз.



2.14. расм. FBD орқали тузилган формулани белгиланган канналлар билан боғлаш.

Юқорида дастурнинг “Каннал базаси” қисмида тузилган ифодани “Намоиш ойнаси” қисмига бағланади ва электр юритмани юкламани созлаш ойнаси тузилади.



2.15. расм. Тузилган дстурни “Намоиш ойнаси” қисмида кўриниши..

III – боб Нефт саноатида электр двигателларни масофадан бошқариш

3.1. Ахборотларни симсиз узатиш ва қабул қилишни радиомодем тузилиш қурилмалари

Электромагнит тўлқинлари ҳақида маълумот XIX асрнинг охирида узок масофаларга таркала оладиган, кўзга кўринмайдиган Электромагнит тўлқинлари ихтиро қилинди ва уларнинг хусусиятлари текширилди. Бу тўлқинлар радиотўлқинлар деб аталади. Табиат ходисаларига оид кўпдан-кўп тажриба материалларини умумлаштириб, инглиз физиги Джеймс Максвелл Электромагнит майдон назариясини яратди, куёш нури ва радиотўлқинларнинг табиатан умумийлигини аниқлаб, уларнинг тарқалиш қонунини очди. Кейинчалик бошқа нурланишлар текширилди: ултрабинафша, инфрақизил, рентген нурлари ва бошқалар. Текширишлар шуни кўрсатдики, уларнинг қатор хусусиятлари бир-биридан фарқланишига қарамай, табиатан келиб чиқиши бир хил: уларнинг ҳаммаси Электромагнит тўлқинлари бўлиб, физик хусусиятлари эса, тўлқин узунлиги билан фарқланади. 1886–1888-йиллари Генрих Герс ўз тажрибаларида Максвелл назарияси хулосаларини тасдиқлади, радиотўлқинларнинг тарқалиши, қайтиши ва синиши ёруғлик нури тарқалиши қонуни билан бир хиллигини кўрсатди.[12,14,17]

3.1.1. Алоқа каналлари.

Алоқа каналлари (АК) исталган ахборот узатиш тизимининг, умумий бўғимидир.

Физик табиати бўйича алоқа каналлари қуйидагиларга бўлинади:

- механик — ахборотнинг моддий ташувчиларини узатиш учун ишлатилади;
- акустик — товушли сигнал узатилади;

- оптик — ёруғлик сигнали узатилади;
- Электрон — Электрон сигнал узатилади.

Электрон ва оптик алоқа каналлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- **симли**, сигналларни узатиш учун физик ўтказгичлар (Электрон симлар, кабеллар, световодлар ва б.) ишлатилади;

- **симсиз** (радиоканаллар, инфрақизил каналлар ва б.), сигналларни узатиш учун ефир бўйича тарқаладиган Электромагнит тўлкинлардан фойдаланилади.

Узатилаётган ахборотни тасвирлаш шакли бўйича алоқа каналлари қуйидагича бўлади:

- **аналогли (узлуксиз)** — ахборот аналог каналлар бўйлаб узлуксиз шаклда тасвирланган, яъни бирор физик катталиқнинг узлуксиз қийматлари қатори кўринишида узатилади;

- **рақамли** — ахборот рақамли каналлар бўйича у ёки бу физик табиатдаги рақамли (дискрет, импульсли) сигналлар кўринишида узатилади;

Ахборот узатилишининг мумкин бўлган йўналишларига боғлиқ равишда қуйидаги алоқа каналлари бўлади:

- **синилексли** — ахборотни фақат бир йўналишда узатишга имкон беради;

- **ярим дуплекс** — ахборотнинг тўғри ва тескари йўналишларда галма-гал узатилишини таоминлайди;

- **дуплексли** — ахборотни бир вақтнинг ўзида ҳам тўғри, ҳам тескари йўналишларда узатишга имкон беради.

Радиоканал — ефир орқали ўтказиладиган симсиз алоқа каналидир. Радиоканал радиоузатгич ва радиоқабул қилгичдан Ташкил топган. Радиотўлкинли диапазон каолумотларни узатиш учун фойдаланиладиган Электромагнит спектрнинг частотали полосаси билан аниқланади. Ўзаро ҳолақитларни бартараф этиш учун ҳар бир радиоканалнинг узаткичи ва қабул қилгичи турли частоталарда ёки галма-гал бир хил частотада ишлайди.

Радиоканал бўйича маълумотларни узатиш тезлиги амалда чекланмаган (улар қабул қилувчи-узатувчи аппаратуранинг полосаси билан чекланади). қуйидаги жадвалда радиотўлқин диапазонларининг номлари ва уларга мос частотали полосалар келтирилган.

Радио тўлқиндианпазонлари

Т/р	Тўлқин диапазон номи	Частота полосаси
1	Ўта узун тўлқин	3-30 кГц
2	Узун тўлқин	30-300 кГц
3	Ўртача тўлқин	300-3000 кГц
4	Қисқа тўлқин	3-30 кГц
5	Ультрақисқа тўлқин	30 МГц-300 кГц
6	Субмилиметрли тўлқин	300-6000 кГц

Тижорат телекоммуникасион тизимлари учун кўпиича 902— 928 МГц ва 2,4-2,48 ГГц частотали диапазонлар ишлатилади (баози мамлакатларда, масалан, АҚШ да, жуда кичик нурланиш қуавватларида - 1 Вт гача, бу диапазонларни ишлатиш давлат лисензиясисиз рухсат етилган).

Симсиз алоқа каналларининг халақитлардан ҳимояланганлиги ёмон, лекин фойдаланувчига максимал чаққонликни ва ҳозиржавобликни таоминлайди. Ҳисоблаш тармоқларида маълумотларни узатиш учун симсиз алоқа каналлари аноанавий кабелли технология қийин бўлган ёки умуман имкон бўлмаган жойларда ишлатилади[18,19,20].

3.1.2. Радиотўлқинларнинг тарқалиш асослари

Антеннадан тарқатилган радиотўлқинлар барча йўналишда тарқалади. Антеннадан ўзоқлашган сари тўлқинлар Энергияси тобора катта ҳажм бўйича тақсимлана бошлайди ва демакки Энергия қиймати фазонинг ҳар бир нуқтасида камая бошлайди.

Тўлқинлар қуйидаги хусусиятларга Эга:


1. **Сингдирилиш хусусияти.** Тўлқинлар сигнадиган материал ўтказувчанлиги ва тўлқин узунлиги ортган сари тўлқинларнинг сингдирилиш хусусияти камайиб боради.

2. **Қайтиш ва синиши.** Бир жинсли муҳитда радиотўлқинлар тўғри чизикли тарқалишда давом Этади. Тўлқинлар бир жинсли муҳитдан бошқа бир жинсли муҳитга ўтганида қайтиши ва синиши кузатилади. Муҳитлар фарқи ва тўлқин узунлиги қанча катта бўлса синиш шунчалик кучли бўлади.

3. **Дифраксия.** Тўлқинларнинг йўлда учраган тўсикларни айланиб ўтиш хусусиятига дифраксия дейилади. Тўлқинлар узунлиги қанчалик катта бўлса, улар тўсикларни шунча осон айланиб ўтади.

4. **Интерференсия.** Икки ёки бир неча тўлқинларнинг маълум бир нуқтадаги бирлашиши (қўшилиши) интерференсия дейилади. Агар битта манбанинг бирикаётган тўлқинлари фазаси мос тушса, натижавий Электромагнит майдон амплитудаси ортади, агар фазалари 180° га фарқ қилса натижавий майдон амплитудаси камаяди ва нолга тенг бўлиши ҳам мумкин.

Ер сирти бўйлаб тарқаладиган ва тез-тез дифраксия туфайли ер қабарикларини айланиб ўтадиган тўлқинлар сирт бўйлаб йўналган ёки ер тўлқинлари дейилади (3.1-расмдаги АС Эгри чизик). Ионосфера ва ер сиртидан кўп марта қайтиш натижасида ер шарини айланиб ўтувчи тўлқинлар фазовий тўлқинлар дейилади (3.1-расм даги АБС чизик).



3.1-расм. Радиотўлқинларнинг тарқалиши

Радиотўлқинларнинг Энг асосий параметрларидан бири тўлқин узунлигидир. У қуйидаги тенглик орқали ифодаланади:

$$\lambda = vT \quad (3.1)$$

v – тўлқин тезлиги, T -даври.

Частота спектри оралиқ номери	Метрик номланиши	Узунлик ўлчов диапазони	Частота диапазони
4	Мириаметрли	100 – 10 км	3 – 30 кГц
5	Километрли	10 – 1 км	30 – 300 кГц
6	Гектометрли	1 – 0,1 км	300 – 3000 кГц
7	Декаметрли	100 – 10 м	3 – 30 МГц
8	Метрли	10 – 1 м	30 – 300 МГц
9	Десиметрли	1 – 0,1 м	300 – 3000 МГц
10	Сантиметрли	1 – 10 см	3 – 30 ГГц
11	Миллиметрли	1 – 10 мм	30 – 300 ГГц
12	Десимиллиметрли	0,1 – 1 мм	300 – 3000 ГГц

3.1-жадвал. Радиотўлқинлар классификасияси

Радиоспектрлар тўққиз радиодиапазонга бўлинади.

Ер худудида радиотўлқинларнинг тарқалиши ер сирти ва атмосфера хусусиятларига кўра амалга оширилади. Радиотўлқинларнинг ер сирти бўйлаб тарқалиш шартлари ер релефи, ер сиртининг Электрик параметрлари ва тўлқин узунлигига боғлиқдир. Бошқа тўлқинларда бўлгани сингари радиотўлқинларга ҳам дифраксия ҳодисаси тегишли. Радиотўлқинлар дифраксияси деб радиотўлқинларни тўсиқни айланиб ўтиш хусусиятига айтилади. Ер сирти бўйлаб тарқаладиган ва ер қавариқ қисмларини дифраксия туфайли айланиб ўтиб тарқалувчи тўлқинлар ер сирти тўлқинлари дейилади.

Бир жинсли бўлмаган муҳит бўйлаб тарқалаётган тўлқинлар траекториясининг Эгрилашиши ва синиши рефраксия дейилади.

Ер атмосфераси бир жинсли бўлмаган мураккаб тизим бўлиб, тропосфера, стратосфера ва ионосфера қатламларидан ташкил топган. Тропосфера қатлами ер сиртидан 10-14 км, стратосфера қатлами 60-80 км, ионосфера қатлами Эса стратосфера қатлампидан кейин келиб, ер радиасион белбоғини ташкил қилади. Умумий ҳолда ер атмосферасида радиотўлқинларнинг тарқалишида қуйидаги ҳолатлар кузатилади:

1. Айниқса ернинг ионосфера қатлампидан радиотўлқинлар ерга синиб қайтади;
2. Тўлқин частотаси ортиши билан тўлқинларнинг қайтиш қобилияти камаяди;
3. Тўлқин частотаси ортиши билан тўлқинларнинг ионосферада сингиб кетиш қобилияти камаяди;
4. Ионосфера ҳолати ва у билан боғлиқ ҳолда тўлқинларнинг тарқалиш шартлари даврий ва нодаврий ўзгариб туради.

Мириаметрли ва километрли тўлқин узунликлари.

1-жадвалдаги 4 – ва 5 – диапазон радиотўлқинлари (мириаметрли ва километрли)нинг афзалликлари:

1. Ер ва ер қабарикларини яхши айланиб ўтиши;
2. Алоқанинг анча масофаларга ҳам ҳосил қилиш имконияти;
3. Тўлқинлар тарқалишининг стабиллиги.

Бу диапазон тўлқинлари камчиликлари:

1. Бу диапазон тўлқинлари ионосферадан қайтганда кўп қисми ерга сингиб кетганлиги учун бу тўлқинлар узаткичлари юқори қувватли бўлиши керак;
2. Бу диапазон тўлқинлари учун антенналарнинг анча балан қурилиш кераклиги;
3. Атмосфера шовқинларига таъсирчанлиги;
4. Бу диапазонда ҳосил қилиш мумкин бўлган каналлар сонининг чегараланганлигидир.

Бу диапазон тўлқинлари радионавигасия, радиоалоқа, вақт хизматлари, аниқ частоталарни узатиш хизмати, илмий-текширув ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Гектометрли (ўрта) тўлқин узунлиги диапазони.

Бу диапазон тўлқинлари сирт бўйлаб йўналадиган ва фазо бўйлаб йўналадиган бўлиши мумкин. Бу диапазон тўлқинлари учун кундуз куни тарқалиш масофаси чегараланган, тунда Эса бу масофа ошади. Алоқа масофаси 1000 – 1500 км ни ташкил этади. Узаткичга яқин масофаларда алоқа сифати сутка давомида бир хил бўлади. Ўрта масофаларда Эса кундуз куни алоқа сифати ёмон, тунда Эса яхши бўлади. Олис масофаларда алоқа фақат тунда мавжуд бўлиши мумкин.

Сўнишларни камайтириш сигналлар қабулини бир-биридан 200 – 300 км масофада жойлашган 2-3 антенна орқали амалга ошириш орқали амалга оширилади. Бу усул сўнишлар бир вақтда барча жойда рўй бермаслигига асосланган.

Бу диапазон тўлқинлари атмосфера ва ишлаб чиқариш шовқинларига таъсирчан. Бу диапазон тўлқинлари радиоузатишдаги Энг асосийлардан бири

ҳисобланади ва кўп давлатларда шу мақсадда фойдаланилади.

Декаметрли (қисқа) тўлқин узунлиги диапазони.

Бу диапазон тўлқинлари ер сиртига кўп миқдорда сингиб кетади. Шунинг учун бу диапазон учун алоқа масофаси ўнлаб км дан ошмайди. Бу тўлқинлар дифраксион хусусиятлари унчалик кучли Эмас. Алоқа олислиги антенна йўналтирилганлиги ва ер сиртидан баландлигига боғлиқ.

Бу диапазон тўлқинларини ишлатиш иқтисодий жihatдан анча самаралидир. Чунки бу диапазон тўлқинлари ионосфера қатламида унча катта сингдирилмайди ва қайтиш нуқтасида алоқа сифатини қабул қилгичнинг кичик қувватли қийматларида ҳам таоминлаш мумкин.

Кундуз кунлари бу диапазоннинг қисқа тўлқин узунликлари қўлланилади ва алоқа олислиги тахминан 10-25 км ни ташкил Этади. Бу диапазон тўлқинларининг камчилиги сўнишлар ва алоқа мавжуд бўлмаган зоналарнинг мавжудлигидир.

Бу санаб ўтилган камчиликларга қарамай декаметрли тўлқинлар алоқа соҳасида кенг қўлланилади. Айниқса ер суноий йўлдошлари орқали амалга ошириладиган алоқада бу диапазон тўлқинлари муҳим аҳамият касб Этади. Узаткичлар қуввати унча катта бўлмаган тақдирда ҳам бу диапазон тўлқинлари орқали анча олис масофаларга алоқа ташкиллаштириш мумкин. Бу тўлқинлар контенетлараро алоқалар ҳосил қилишда асосий манба ҳисобланади. Шунингдек бу тўлқинлар орқали релефи нотекис жойларга алоқа ташкил Этиш имконияти мавжуд.

10 м дан қисқа тўлқин узунлиги диапазони.

Бу диапазон тўлқинлари ўта қисқа узунликдаги (УКВ) тўлқинлар дейилади ва 5 та диапазонни ўз ичига олади. Узоқ вақтлар давомида ўта қисқа узунликдаги (ЎҚУ) тўлқинларни ишлатиш узаткич ва қабул қилгич антенналари тўғридан-тўғри кўриниш шартлари билан чегараланган Эди. Ростдан ҳам, ЎҚУ тўлқинларида дифраксия хусусияти мавжуд Эмас ва фақат тўғридан-тўғри

тарқалади. Ионосферанинг ионизасия даражаси Эса бу диапазон тўлқинларини қайтариш учун етарли Эмас. Алоқа олислик масофаси Эса:

$$L = 3,6 (\sqrt{h_1} + \sqrt{h_2}) \quad (3.2)$$

формула орқали аниқланади. x_1 ва x_2 — мос ҳолда узаткич ва қабул қилгич антенналари баландлиги.

